

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Тиллар кафедраси

“Рус тили”

Рус тили фанидан услубий қўлланма

(Олий ўқув юртлари I-курс талабалари учун)

Самарқанд – 2011

Тўплаб нашрга тайёрловчи: филология фанлари номзоди,
доцент Н.Н.Намозов

Такризчи: СамДЧТИ доценти М.Бегматов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Тиллар» кафедрасининг
2011 йил 25 январдаги мажлисида тасдиқланган. Баённома № 6

Институт илмий ва ўқув услубий кенгашининг 2011 йил _____
йиғилиши қарори билан чоп этиришга тавсия этилган (Баённома № _____)

ИЎУБ бошлиғи

доц. А.Б.Бектемиров

Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришганидан сўнг хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатиш имконияти ортиди. Бу эса талабаларни чет тиллари, жумладан рус тилини чуқурроқ ўрганишга тақозо этади.

Ушбу китоб рус тилини ўрганувчи талабалар, филологлар ва мустақил равишда тил ўрганувчиларга мўлжалланган бўлиб унда ўзбек гуруҳлари учун рус тилидаги лексик, фонетик, грамматик қоидалардан қандай фойдаланиш лозимлиги ўргатилади.

Услубий қўлланмада шунингдек мавзуга доир жадваллар келтирилган бўлиб, улар талабаларни ушбу фан бўйича билимларини оширишга хизмат қилади.

ФОНЕТИКА

№ 1. Предмет и задачи фонетики. Фонетиканинг предмети ва вазифаси

Фонетика тилшуносликнинг алоҳида ва мустақил бир қисми. Фонетика тилдаги товушларни текширади. Фонетика товушларнинг алмашилиши ва ўзгаришини, адабий талаффуз нормалари (тўғри талаффуз қилиш қоидалари), бўғин, урғу, уларнинг турларини, урғуни тўғри ишлатишни ҳам ўрганади.

№ 2. Звук. Товуш.

Ҳар қандай товуш бирор жисмнинг ҳаво тўлқинида тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Бирор жисм (масалан, дутор)нинг тебраниши ҳавони товуш чиқарадиган қилиб тўлқинлантиради. Ҳавонинг бу тўлқинланишидан қулоғимизга товуш эшитилади.

№ 3. Звуки речи. Нутқ товушлари.

Нутқ товушлари нутқ органларининг талаффуз вақтидаги ҳаракати натижасида вужудга келади. Маълум бир товушни талаффуз қилиш учун нутқ органларининг ишлаши артикуляция дейилади

Талаффуз қилишда турли товушлар ҳосил бўлади: гласные-унлилар (а,о,и,э,у) ва согласные-ундошлар (б,в,г,д ва бошқалар)

№ 4. Фонема и звук. Фонема ва товуш.

Фонема-бу фақат нутқ товушидир. Фонема сўз маъноларини ифодалаш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган нутқ товушидир.

Ҳар бир тилнинг фонемалар системаси сифат ва миқдори жихатидан бир хил эмас: бир тилда фонемалар кўпроқ, иккинчи тилда озроқ бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир конкрет адабий тилнинг фонематик товушлари маълум миқдор ва сифатга эгадир. Булар ёзувда ҳарфлар орқали ифодаланади.

№ 5. Буквы. Ҳарфлар

Нутқ товушларини ёзувда ифодалаш учун хизмат қиладиган шартли белгилар **харфлар** деб аталади. Ҳар бир ҳарф, асосан, бир мустақил фонеманинг ёзувдаги белгисидир. Аммо баъзан айрим ҳарфлар икки фонемани ифодалаш ҳам мумкин. Масалан, ҳозирги замон ўзбек ёзувида **дж** ва **ж** фонемалари бир **ж** ҳарфи билан ифодаланади.

№ 6. Русский алфавит. Рус алфавити.

Рус алфавити куйидаги ўттиз уч ҳарфдан иборат: А, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, щ, э, ю, я, ы, ь, ъ.

Кўрсатилган ўттиз уч ҳарфдан ўнтаси-а, о, и, е, ё, у, ы, э, ю, я- унли товушларни, й-ярим унли, ь-айириш белгисини, ь-юмшатиш белгисини, қолган йиғирматаси ундош товушларни ифодалайди.

№ 7. Слог – Бўғин

Рус тилида сўзлар бир, икки, уч ва кўп бўғиндан иборат. Бўғин унлилар ёрдами билан ҳосил бўлади. Ҳар бўғинда битта унлининг бўлиши шарт. Бўғинлар куйидагича тузилиши мумкин:

1. Бир унли товуш – а, и.
2. Ундош + унли – та, по.
3. Ундош + унли – ундош – так, мой.
4. Ундош + ундош + унли – бро – сить, кни - га
5. Ундош + ундош + унли – ундош – знать,
6. Ундош + унли + ундош + ундош – мозг, лист.
7. Унли + ундош + ундош + ундош – ис – кра.
8. Ундош + унли + ундош + ундош + ундош – дарст (государство сўзида)
9. Ундош + ундош + ундош + ундош + унли встре – ча.
10. Ундош + ундош + ундош + ундош + унли + ундош – встреч (встречный сўзида)

№ 8. Ударение. Урғу.

Урғу (´) белгиси билан кўрсатилади. Рус тилида урғунинг муайян ўрни йўқ. Турли сўзларда урғу турли бўғинларга тушиши мумкин, масалан: ход, ходить, ходит.

Баъзан урғунинг бир бўғиндан бошқа бўғинга кўчиши билан:

а) сўзнинг маъноси ўзгаради, масалан: замок (кулф) – зámок (қалъа), мука (ун) – мука (азоб);

б) сўзнинг грамматик формаси ўзгаради, масалан: земли – земли, воды – воды каби.

Боғловчи, кўмакчи ва юкламалар одатда урғусиз бўлади. Баъзан эса урғу отдан олдин келган олд кўмакчига ўтиши мумкин, масалан: на пол, на гору каби.

№ 9. Классификация гласных звуков.

Унли товушларнинг классификацияси.

Унли товушлар: а) тилнинг ҳолатига ва б) лабнинг вазиятига қараб текширилади.

Унлилар тилнинг ҳолати (кўтарилиш ўрни)га кўра қуйидагича:

а) олдинги қатор (тил олди) унлилар: э, и;

б) ўрта қатор (тил ўрта) унлилар: а, ы;

в) орқа қатор (тил орқа) унлилар: о, у;

Олдинги қатор унлиларни талаффуз қилишда тилнинг олд қисми каттик танглай томонга кўтарилади. Орқа қатор унлиларни талаффуз қилишда эса тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томонга кўтарилади

Тилнинг танглай томонга кўтарилиш даражасига кўра унлилар қуйидагичадир:

а) юқори кўтарилиш унлилари ёки тор, ёпиқ унлилар, масалан, у, и, ы;

б) ўрта кўтарилиш унлилари ёки ўрта, кенг унлилар, масалан: о, э;

в) қуйи кўтарилиш унлилари ёки кенг, очиқ унлилар, масалан: а.

Лабнинг вазиятига кўра унлилар қуйидагича бўлади:

а) лабланган;

б) лабланмаган;

Лабланган унлиларни талаффуз қилишда лаблар олдинга қараб чўзилади (чўччаяди). Лабларнинг бу ҳолати лабланиш (лабиализация) дейилади.

Лабланмаган унлиларни талаффуз қилишда лабларнинг иштироки пассив бўлади.

Лабланган унлилар – у, о;

Лабланмаган унлилар – и, ы, э, а;

№ 10. Произношение гласных звуков. Гласный а. Унли товушларнинг талаффуз этилиши. А унлиси.

Рус тилида а унлиси – кенг, лабланмаган товуш. Бу товуш ўзбекча ватан сўзидаги а унлисига яқинроқдир. Унли товушларнинг талаффузи урғуга боғлиқ. Урғули бўғинларда унлилар аниқ талаффуз этилади, урғусиз бўғинларда эса аниқ талаффуз этилмайди.

А унлиси урғусиз бўғинларда турлича талаффуз этилади:

1) ч, щ, ж ҳарфлари бўлмаган сўзларда а унлиси ундошлардан кейин ы ва а товушлари орасидаги бир товуш каби эшитилади, масалан:

Ёзилади:

сапоги

самовар

сахар

Талаффуз этилади:

сыпаги

сымавар

сахыр

Бу ҳодиса урғудан олдин ва урғудан кейин келган бўғинлардагина кўринади.

2) ч, щ, ж ундошларидан кейин а унлиси и ёки ы товушларига яқинроқ бир товуш сингари айтилади:

а) ч, щ, ундошларидан кейин и га яқинроқ, масалан:

Ёзилади:

часы

Талаффуз этилади:

чисы

часовщик	чисовщик
б) <u>ж</u> , <u>щ</u> ундошларидан кейин <u>ы</u> га яқинроқ, масалан:	
Ёзилади:	Талаффуз этилади:
пожалел	пыжылел каби.
Юмшоқ ундошлардан кейин <u>а</u> товуши ёзувда <u>я</u> ҳарфи билан ифодаланади.	

№ 11. Гласный о. О унлиси

Рус тилида о товуши лабларнинг бир оз чўччайиши билан ҳосил бўлади. О унлиси урғусиз бўғинларда қуйидагича талаффуз этилади:

1) сўз бошида ва урғули бўғинлардан олдин келган урғусиз бўғинларда а сингари айтилади:

а) сўз бошида	
Ёзилади:	Талаффуз этилади:
отец	атец
они	ани
охотник	ахотник
обед	абет

б) урғули бўғинлардан олдин келган урғусиз бўғинларда:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
дрова	драва
вода	вада

2) ы ва а унлилари орасидаги бир товушни билдиради:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
городок	гырадок

Юмшоқ ундошлардан кейин о товуши ёзувда ё ҳарфи билан ифода этилади.

№ 12. Гласный э. Э унлиси

Рус тилида э ҳарфи сўз бошида, унли товушлардан кейин урғу билан ишлатилади:

а) сўз бошида: это, эти;

б) урғу билан унли товушлардан кейин: поэма, поэт.

Юмшоқ ундошлардан кейин ёки юмшоқ ва қаттиқ ундошлар орасида келганда э товуши рус орфографиясида е ҳарфи воситаси билан ифодаланади:

а) икки юмшоқ ундош орасида:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
семь	сьэмь
день	дбэнь

б) юмшоқ ва қаттиқ ундошлар орасида:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
дело	дбэло

Рус тилида ундош товушларни ёзувда ифода этиш учун куйидаги 20-та ҳарф ишлатилади: б, в, г, д, ж, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, щ.

№ 18. Твердые и мягкие согласные звуки.

Қаттиқ ва юмшоқ ундош товушлар

Рус тилида б, в, г, д, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х ундошлари гоҳ қаттиқ, гоҳ юмшоқ бўла олади, ж, ш, щ ундошлари доим қаттиқ, ч, ш ундошлари эса доим юмшоқ бўлади.

ундош товушларнинг юмшоқ эшитилиши ёзувда турлича кўрсатилади:

1) сўз охирида ундош товушнинг юмшоқ айтилиши юмшатиш белгиси ь билан кўрсатилади, масалан: угол – бурчак, уголь – кўмир.

Угол сўзида л қаттиқ (ўзбек тилидаги қўл, қол сўзларидаги л каби), уголь сўзида эса л юмшоқдир (ўзбек тилидаги кел, эл, тулки сўзларидаги л каби);

2) Қаттиқ ундош товушлардан илгари келган товушларнинг юмшоқлиги ҳам ь билан кўрсатилади, масалан: только, больной;

3) а, у, о, э унли товушлардан илгари келган ундош товушларнинг юмшоқлиги я, ю, ё, е ҳарфлари билан ифодаланади, масалан: воз – юк (арава); вёз – олиб бораётган эди; воз сўзида в қаттиқ, вёз сўзида эса в юмшоқдир;

4) и унлиси олдида келган ундошлар доимо юмшоқ, масалан: сито (элак), бил (урди);

5) ы унли товушидан олдин келган ундошлар доимо қаттиқ талаффуз этилади, масалан сыто (тўқ), был (бўлди).

№ 19. Долгие согласные звуки.

Чўзиқ ундош товушлар

Ёзувда қатор келган бир хил икки ундош одатда чўзиброқ айтилади, масалан: касса, ванна, тонна каби

Бир хил бўлмаган икки ундошнинг бирикуви натижасида ҳам баъзан чўзиқ ундош пайдо бўлиши мумкин, масалан:

Ёзилади:

разжать

сшить

отцеплять

Талаффуз этилади:

ражжать

шшить

оццеплять

каби.

№ 20. Выпадение согласных.

Ундош товушларнинг тушиб қолиши.

Баъзи бир товуш бирикмаларини талаффуз этганда айрим ундошларнинг тушиб қолиши мумкин, масалан: здн, стн товуш бирикмаларида д ва т ундошлари талаффуз этилмайди:

Ёзилади:

Талаффуз этилади:

праздник	празник
устный	усный
Айрим сўзларда қаторасига келган	икки ундошдан бирининг тушиб

қолиши мумкин:

Ёзилади:

солнце
сердце
счастливый
здравствуй

Талаффуз этилади:

сонце
серце
счасливый
здраствуй каби.

№ 21. Правописание гласных после ж,ч,ш,щ, и ц.

Ж,ч,ш,щ, ва ц. товушларидан кейин келган унлиларнинг ёзилиши.

1) ж,ч,ш,щ товушларидан кейин ы, ю, я ўрнига и, у, а ёзилади. Чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзларда эса ы,ю,я сақланади, масалан: жюри, брошюра, парашют каби;

2) куйидаги ҳолларда ц товушидан кейин ы ёзилади:

а) сўз охирида, масалан птицы, огурцы, Синицын;

б) куйидаги сўзларнинг ўртасида цыган, цыкать, цыплёнок каби;

в) қолган сўзларда ц дан кейин и ёзилади: цинга, цифра, цирк, циркуль, лекция;

3) ц товушидан кейин урғу остида о эшитилса, о ёзилади: лицо, танцор, овцой, цокать. Урғу тушмаганда е ёзилади: улицей, полотенце;

4) ж,ч,ш,щ товушларидан кейин урғу остида о эшитилса, гоҳ о, гоҳ ё (е) ёзилади: шов, шёлк каби;

5) ц товуши қаттиқ бўлгани учун ц дан кейин атоқли отларда ю ва я ҳарфлари ёзилмайди. Улар чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзлардагина ёзилиши мумкин, масалан: Цюрих.

№ 22. Мягкий и твёрдый знаки.

Юмшатиш (ь) ва айириш (ъ) белгилари

Талаффуз вақтида ундош товуш билан унли товушни қўшиб юбормаслик учун ёзувда ъ ва ь белгилари қўлланади ва улар бу вақтда айириш белгилари деб аталади: объявление, съезд, шью, пью каби.

Ъ белгиси е,ё,ю,я ҳарфлари олдидан ёзилади: подъезд, подъём, предъюбилейный, двухъярусный.

Ь белгиси ҳам юмшатиш, ҳам айириш вазифасини бажаради; солиштиринг: конь, бью. Ь белгиси е,ё, и,ю,я ҳарфларидан олдин келганда айириш вазифасини бажаради: на скамье, ружьё, муравьи, шью, семья.

Айириш ъ белгиси олд қўшимчалардан кейин ва қўшма сўзларнинг биринчи қисмидан кейин ёзилади., бошқа ҳолларда эса унинг ўрнига айириш ь белгиси қўлланилади: объехал, разъезд, в статье, статьёй, статью, статьи.

Айириш ъ ва ь белгилари чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзларда ҳам қўлланилади: адьютант, объект, субъект, барьер.

Чет тиллардан ўтиб қолган баъзи сўзларда айириш ь белгиси о ҳарфи олдида ёзилади: батальон, павильон, почтальон.

МОРФОЛОГИЯ

Предмет и задачи морфологии.

Морфологиянинг предмет ва вазифаси.

Морфология грамматиканинг бир қисми бўлиб, унинг ўрганиш объекти сўздир.

Морфология сўзларнинг ўзгариш қоидаларини, сўзларнинг тусланиш ва турланишини текширади. Шу билан бирга морфология сўзларнинг тузилишини ва сўз ясаш қоидаларини ҳам ўрганади.

Морфология сўзларнинг маълум белгилар асосида турли гуруҳларга – сўз туркумларига бўлинишини ҳам текширади.

№ 23. Состав слова. Сўзнинг таркиби.

Родственные слова. Қариндош сўзлар.

Умумий қисми бир хил ўзакдан иборат бўлган сўзлар қариндош сўзлар дейилади. Масалан: охота, охотник, охотиться каби. Келтирилган сўзларнинг умумий қисми охот бўлиб, шу асосий қисмдан урчиб чиққан ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бор.

№ 24. Корень слова. Сўзнинг ўзаги.

Барча қариндош сўзларнинг умумий қисми ўзак деб аталади, ўзак қисмларга бўлинмайди, масалан: вод-а, вод-ный, под-вод-ный; бу сўзларнинг ўзаги – вод. Ўзак сўзнинг асосий лексик маъносини англатади.

№ 25. Окончание, суффикс. Приставка.

Тугаллама, суффикс, олд қўшимча.

1) Окончание. Тугаллик. Сўзларнинг бир бирлари билан боғланишини кўрсатадиган турловчи қисм тугаллик (турловчи қўшимча) дейилади.

2) Суффикслар икки хил бўлади: а) ясовчи суффикслар ва б) турловчи суффикслар

Ясама сўзнинг ўзагига янги маъно берувчи ва ўзакнинг охирига қўшилиб қолувчи қисм ясовчи суффикс деб аталади. Турловчи суффикс грамматик формаларни ясашда ишлатилади.

3) Приставка. Олд қўшимча. Ясама сўзнинг ўзагига янги маъно берувчи ва ўзакнинг олд томонига қўшилиб келувчи қисм олд қўшимча дейилади.

№ 26. Основа. Негиз.

Сўзнинг тугалликсиз (турловчисиз) қисми негиз деб аталади.

Сўз таркибининг жадвали

Основа. Негиз			Окончание Тугаллик
Приставка Олд қўшимча	Корень ўзак	Суффикс	
из	да	тель-ст-в	о
из	да	-	ю
	вод	-	а
под	вод	ник	и
на	вод	н-ени	е

Сўз ўзагининг ўзидан иборат бўлган негиз-туб негиз (непроизводная основа) дейилади, масалан: (вод-а, негизи - вод).

№ 27. Основные способы словообразования.

Сўз яшанинг асосий усуллари.

Сўз яшанинг усуллари хар хил:

- 1) олд қўшимча қўшиш йўли билан, масалан: писать, написать, записать;
- 2) суффикслар қўшиш йўли билан, масалан: летать, лётчик;
- 3) олд қўшимча ва суффикслар қўшиш йўли билан, масалан: при усадьбы-приусадебный; при, фронт – прифронтной; пред, выборы – предвыборный;
- 4) негизларнинг бирикиш йўли билан, масалан: пар, ходить – парад;
- 5) сўзларни қисқартиш йўли билан, масалан: СНГ, ЖД;
- 6) товушларнинг алмашинуви билан, масалан: ходить-хождение;
- 7) урғуни қўчириш йўли билан, масалан: замок-замок, мука-мука каби.

№ 28. Сложные слова. Қўшма сўзлар

Қўшма сўзлар икки ёки бир неча сўз негизининг бирикиши йўли билан ясалади. Рус тилида қўшма сўзларнинг ясалиши қуйидагича:

- 1) бириктирувчи (туташтирувчи) унлилар ёрдами билан ясалган қўшма сўзлар,, масалан: пул-е-мёт, пар-о-ход;
- 2) бириктирувчи унлиларнинг иштирокисиз ясалган қўшма сўзлар, масалан: Волго-град каби.

№ 29. Сложносокращённые слова. Қисқартма сўзлар (қисқартирилган қўшма сўзлар).

Рус тилида қискартирилган кўшма сўзлар асосан қуйидагича тузилади:

- 1) сўзларнинг бош ҳарфларидан - РУ, (Республика Узбекистан), вуз (высшее учебное заведение).
- 2) охириги сўзни бутунича, аввалги сўзлардан бир қисм олиш йўли билан - сберкасса (сберегательная касса).

№ 30. Части речи. Сўз туркумлари.

Мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлинган сўз группалари сўз туркумлари дейилади.

Сўз туркумлари қуйидагича:

- 1) имя существительное- от;
- 2) имя прилагательное – сифат;
- 3) имя числительное – сон;
- 4) местоимение – олмош;
- 5) глагол – феъл;
- 6) наречие – равиш;
- 7) самостоятельные слова – мустақил сўзлар;
- 8) служебные слова – ёрдамчи сўзлар;
- 9) предлог- олд кўмакчи;
- 10) союз – боғловчи;
- 11) частицы – юкламалар;
- 12) междометие – ундов сўзлар.

№ 31. Имя существительное. От.

Предмет маъносини англатган сўз туркуми от дейилади. Отлар кто? (ким?) ёки что? (нима?) сўроғига жавоб бўлиб келади. Кто? сўроғи жонли предметларнинг (киши ва хайвонларнинг) номларига, что? сўроғи эса жонсиз предмет (нарсa,воқеа,ҳодиса) ларнинг номларига нисбатан ишлатилади.

Гапда отлар ҳар қандай гап бўлаги вазифасида кела олиши мумкин, аммо кўпинча эга ва тўлдирувчи бўлиб келади.Рус тилида отлар сон ва келишик формаларига эга ва уч родга (жинсга), яъни мужской, женский, средний родларга бўлинади.

№ 32. Существительные собственные и нарицательные.

Атоқли ва турдош отлар.

Отлар икки хил бўлади: атоқли от (имя собственное) ва турдош от (имя нарицательное). Бир тур, бир жинсли предметларга берилган номлар турдош от дейилади. Турдош от кичик ҳарф билан ёзилади. Айрим предметларга уларни бир жинсли предметлардан фарқ қилиш учун берилган махсус номлар атоқли от дейилади. Атоқли от бош ҳарф билан ёзилади.Атоқли отлар турига қуйидаги отлар киради:

- 1) кишиларнинг номи, фамилияси, тахаллуси ва лақаблари;
- 2) хайвонларга қўйилган отлар;

- 3) денгиз, дарё, шахар, қишлоқ, тоғ, кўча, сайёра, юлдуз тўдалари номлари ва шуларга ўхшаш номлар;
 4) китоб, газета, журнал, фабрика ва шуларга ўхшаш номлар.

№ 33. Род. (Жинс)

Рус тилида отларнинг ҳаммаси мужской, женский ва средний родга бўлиниб, бир-биридан шакл жиҳатидан фарқ қилади. Масалан: он, она, оно, они

Мужской род отларнинг группасига кирган сўзлар ўрнига он (у) кишилик олмоши ёки мой олмошини қўйиш мумкин, масалан: Мой брат окончил институт. Он болен.

Женский родга қуйидаги сўзлар киради:

а) хотин жинсидаги жонли нарсаларни билдирган сўзлар: мама, тётя, сестра, корова, овца каби;

б) охири -а билан тугаган сўзлар, парта, доска, рука, нога;

в) охири -я билан тугаган сўзлар: баня, дыня, пуля.

г) юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: тень, цель каби.

Юмшоқ ундош билан тугаган сўзларнинг баъзилари мужской родга таалуқли бўлади, баъзилари эса женский родга. Мужской родга таалуқли бўлган сўзлар родительный келишигининг (р.п.) бирлик сонидан -я билан тугалланади, женский родга таалуқли сўзлар эса -и билан тугалланади. Дождь-дождя (м.р.); тетрадь-тетради (ж.р.) Женский роддаги сўзларнинг ўрнига она (у) кишилик олмошини ёки моя олмошини қўйиш мумкин. Масалан: Моя сестра учится в институте. Она учится хорошо.

Қаттиқ ёки юмшоқ шипилдоқ товуш билан тугаган сўзларнинг аксарияти ж.р. га киради ва уларнинг охирида -ь белгиси ёзилади.

Масалан: вещь, ночь, рожь, мышь

Баъзан ҳайвон ва қушларнинг эркак ва урғочилигини билдириш учун бошқа –бошқа ўзаклардан ясалган сўзлар ишлатилади. Масалан:

Мужской род	Женский род
баран	овца
бык	корова
петух	курица
селезень	утка

Эркак урғочилигидан қатъий назар, отларнинг баъзилари м.р.га, баъзилари ж.р. га киради. Уларнинг роди отнинг формасидан аниқланади.

Мужской род	Женский род
Эркак хам урғочи	Эркак хам урғочи
Конь, голубь, гусь, журавль, лебедь, пескарь, олень, шмель, коршун, жук, сокол	Лошадь, мышь, рысь.

Рус тилида шундай отлар борки,улар хам мужской,хам женской родда бўла олади. Шу отлар қаторига –а билан тугалланган бир қанча сўзлар киради.Улар эркак кишига нисбатан ишлатилса, мужской родга; хотин кишига нисбатан ишлатилса, женский родга киради:

плакса
 / \

 мой плакса

 / \

 моя плакса

сирота
 / \

 мой сирота

 / \

 моя сирота

умница
 / \

 мой умница

 / \

 моя умница

Плакса - м.р. и ж.р. разг., йиғлоқи

Умница- м.р. и ж.р. разг., ақлли одам.

Отларнинг охирида о, е, ё келса, булар средний род отлари ҳисобланади. Масалан: окно, море, поле, ружьё каби.

Рус тилида охирида –мя келадиган 10 та сўз: имя, время, знамя, пламя, племя, семя, стремя, темя, бремя, вымя – средний родга киради. Средний роддаги сўзлар ўрнига оно ёки моё олмошларини ишлатиш мумкин. Масалан: имя (моё,оно), лицо (моё,оно). Мой, моя, моё сўзлари ўрнига буларнинг кўплиги (мн.число)- наш, наша, наше хам ишлатилади.

Хорижий тиллардан олинган турланмайдиган сўзлар родларга қуйидагича бўлинади; агар сўз жонсиз предметни билдирса, у средний родга киради: пальто,жюри каби (бу қоидага кофе сўзи кирмайди, у мужской родга киради); агар предмет жонли бўлса (қуш,хайвонларни билдирса) мужской родга киради: кенгуру, какаду,колибри, шимпанзе каби

Отлар билан боғланиб келган сифат, тартиб сон, кўпгина олмош ва ўтган замон феълларининг тугалланмаси шу отнинг родига мослашиб келади, масалан:

Мужской род М.р.	Женский род Ж.р.	Средний род С.р.
Большой дом, маленький карандаш, брат прилетел, третий урок, красивый город	Большая комната, маленькая книга, сестра прилетела, третья лекция, красивая улица	Большое окно, маленькое перо, время пролетело, третье задание, красивое здание

Отларнинг род белгилари. Именительный келишик бирлиги

Мужской род М.р.	Женский род Ж.р.	Средний род С.р.
Қаттиқ ундош билан тугаган сўзлар: труд, дом	<u>-а</u> билан тугаган сўзлар: родина, газета, парта.	<u>-о</u> билан тугаган сўзлар: окно, письмо, дело, перо, кольцо
<u>-й</u> билан тугаган сўзлар: музей, герой, край	<u>-я</u> билан тугаган сўзлар: земля, деревня, семья, линия	<u>-ё, -е</u> билан тугаган сўзлар: ружьё, море, здание, поле, пастбище
Юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: день, дождь, путь. Қаттиқ ёки юмшоқ шипилловчи товуш билан тугаган сўзлар: нож, карандаш, луч, плащ	Юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: жизнь, площадь. Қаттиқ ёки юмшоқ шипилловчи товуш билан тугаган сўзлар: (сўзнинг охирида <u>ь</u> ёзилади) ночь, помощь, вещь, мышь	<u>-мя</u> билан тугаган сўзлар: имя, время, знамя, пламя, племя, семья, стремя, темя, бремя, вымя
<u>-а, -я, -е, -о</u> билан тугаган сўзлар: дядя, мужчина, Володя, голосище, подмастерье		
<u>-тель, -арь</u> суффикслари ёрдами билан ясалган сўзлар: писатель, читатель, вратарь, библиотекарь	<u>-ость</u> суффикси ёрдами билан ясалган сўзлар: новость, молодость, радость	
	<u>-знь, -сть, -сь, -вь, -бь, -пъ</u> билан тугаган ва жонсиз предметларни билдирадиган сўзлар: степь, жизнь, честь, любовь	

Жонсиз предметларни билдириб, юмшатиш (ь) белгиси билан тугаган (ж, ч, ш, щ товушларидан ташқари) ва энг кўп учрайдиган отлар қуйидагилар:

Мужской род	Женский род
Автомобиль, ансамбль, бинокль, букварь, бюллетень, вихрь, волдырь, вопль, гвоздь, госпиталь, гребень, двигатель, день, дирижабль, дождь, жёлудь, инвентарь, календарь, камень, картофель, дёготь, кашель, кисель, контроль, корабль, корень, костыль, куль, лагерь, лапоть, локоть, ломать, монастырь, ноготь, нуль, огонь, панцирь, пароль, пень, плетень, перстень, пластырь, полдень, портфель, поршень, профиль, пузырь, пустырь, путь, рояль, рубль, руль, спектакль, ставень, стебель, стержень, сухарь, табель, уголь, уровень, фитиль, флигель, фонарь, хмель, хрусталь, циркуль, штемпель, штепсель, штиль, щавель, щебень, якорь, янтарь, ясень, ячмень	Артель, бандероль, боль, высь, гавань, гармонь, горь, гибель, грань, грудь, грязь, даль, дверь, дробь, дрожь, ель, жердь, жёлчь, жизнь, изгородь, колыбель, копоть, корь, кровать, ладонь, лазурь, лень, мазь, любовь, медаль, медь, метель, мечеть, мозоль, мораль, мысль, нефть, нить, озимь, опухоль, осень, ось, оттепель, очередь, память, печаль, печать, площадь, полынь, поросль, прибыль, пристань, прорубь, пыль, роль, ртуть, сажень, связь, сеть, сирень, скатерть, смерть, соль, сталь, смель, тень, тетрадь, ткань, цель, честь, шерсть, шинель, щель.

№ 34. Единственное и множественное число имён существительных. Отларнинг бирлик ва кўплик сони

Отларнинг кўпчилиги бирлик ва кўплик сонда кўлланади. Бирлик сон бир предметни билдирса, кўплик бир неча предметни билдиради. Рус тилида кўплик сон қуйидагича ясалади. Бирликда отларнинг охирида –а ёки ундош товуш келса, кўпликда –ы ёки –и келади, масалан:

Бирлик

сад
книга
рука
самовар
газета
карандаш
машина
звук

Кўплик

сады
книги
руки
самовары
газеты
карандаши
машины
звуки

Бирликда отларнинг охирида –й, –я, –ь ҳарфлари келса, кўпликда уларнинг охирида –и бўлади, масалан:

Бирлик

печь
тетрадь

Кўплик

печи
тетради

дерево	деревья
звено	звенья
крыло	крылья
прут	прутья
брат	братья
лист	листья

№ 40. Демак, рус тилида бирликдан кўпликни ясаганда, кўпликнинг охирида куйидаги тугалликлар бўлмоғи мумкин.

Кўплик тугалликлари	Отларнинг роди
-ы	1) Қаттиқ ундош билан тамомланадиган мужской род отлари негизида шипилдоқ ундош ва <u>қ</u> , <u>г</u> , <u>х</u> товушлари келадиган отлар бу қоидадан мустасно. 2) <u>-а</u> билан тамомланадиган женский род сўзлари.
-и	1) <u>-й</u> билан тамомланадиган мужской род сўзлари 2) <u>-я</u> билан тамомланадиган женский род сўзлари 3) Юмшоқ ундош билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар 4) Негизи шипилдоқ товуш билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар 5) Негизи <u>қ</u> , <u>г</u> , <u>х</u> товушлари билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар 6) <u>-о</u> билан тамомланадиган баъзи бир средний роддаги отлар.
-а -я	1) <u>-о</u> билан тамомланадиган средний роддаги отлар 2) Қаттиқ ундош билан тамомланадиган мужской роддаги отлар 3) <u>-й</u> билан тамомланадиган мужской роддаги отлар 4) Юмшоқ ундош билан тамомланадиган мужской роддаги отлар
-ане -яне	<u>-анин</u> , <u>-янин</u> билан тамомланадиган мужской роддаги отлар
-ата -ята	<u>-онок</u> , <u>-ёнок</u> билан тамомланадиган ва жонли предметларни билдирадиган мужской роддаги отлар
-ья	1) қаттиқ ундош билан тамомланадиган баъзи бир мужской роддаги отлар. 2) <u>-о</u> билан тамомланадиган баъзи бир средний роддаги отлар

**№ 41. Существительные, употребляющиеся только в единственном числе.
Фақат бирлик сондагина ишлатиладиган отлар**

Баъзи отлар фақат бирликдагина ишлатилади:

- 1) турли моддаларни билдирувчи баъзи бир отлар, масалан: золото, молоко, керосин, сахар каби.
- 2) бир тўда предметларни бир бутун предмет сифатида билдирадиган отлар, масалан: учительство, молодёжь, сырьё, листва.

- 3) иш-ҳаракат, хосса, ҳолат ва белгиларни англатувчи кўпгина отлар, масалан: бегство, молодость, ширина, грусть, темнота каби.
- 4) атоқли отлар: Ташкент, Москва, Бухара каби.

№ 42. Существительные, употребляющиеся только во множественном числе. Фақат кўплик сондагина ишлатиладиган отлар.

Баъзи отлар фақат кўпликда ишлатилади:

- 1) бир ёки бир неча қисмдан иборат бўлган предметларни билдирувчи отлар, масалан: ворота, сани, ножницы, счеты каби
- 2) модда билдирувчи баъзи отлар, масалан: чернила, духи, сливки каби.
- 3) вақтнинг маълум даврларини ва ўйин, воқеаларнинг номларини билдирувчи отлар, масалан: каникулы, сутки, будни, прятки, похороны, именины каби.
- 4) баъзи бир географик номлар, масалан: Альпы, Пиренеи, Сокольники каби. Кўпликда ишлатиладиган отлар родларга қараб фарқ қилмайди.

№ 43. Склонение существительных. Отларнинг турланиши.

Отлар келишик билан турланади. Келишиклар отларнинг бошқа сўзлар билан бўлган алоқасини, боғланишини кўрсатади. Рус тилида отлар олти келишик билан турланади:

Именительный - кто? ёки что?

Родительный – кого ёки чего?

Дательный – кому? ёки чему?

Винительный – кого? ёки что?

Творительный – кем? ёки чем?

Предложный – о ком? ёки о чём?

№ 44. Рус тилида отлар турланиш хусусиятларига кўра уч типга бўлинади: булар первое склонение – биринчи турланиш, второе склонение – иккинчи турланиш ва третье склонение – учинчи турланиш деб аталади.

№ 45. Первое склонение. Биринчи турланиш.

Бирлик сонда именительный келишиги –а ёки –я унлиси билан тугаса, бундай отлар биринчи турланиш бўйича турланади. Бундай отларнинг кўпи женский роддаги сўзлардир. Аммо мужской род сўзлари ҳам бор, масалан, староста, судья, мужчина, Ваня ва бошқалар.

Падежи Келишиклар	Единственное число. Бирлик.		
	Именительный	гора	земля
Родительный	горы	земли	станции
Дательный	горе	земле	станции
Винительный	гору	землю	станцию
Творительный	горой(ою)	землёй(ёю)	станцией(ею)
Предложный	(о) горе	(о) земле	(о) станции
Падежи Келишиклар	Множественное число. Кўплик.		
	Именительный	горы	земли
Родительный	гор	земель	станции
Дательный	горам	землям	станциям
Винительный	горы	земли	станции
Творительный	горами	землями	станциями
Предложный	(о) горах	(о) землях	(о) станциях

Родительный келишигида ж, щ, ч, щ товушларидан кейин ь белгиси ёзилмайди, масалан: именительный келишиги тучи (булутлар), родительный келишиги – туч(лекин тучь эмас).

Агарда сўзнинг охирида –ня ва унинг олдида ундош ёки –й товуши келса, родительный келишигининг кўплигида охирги товуш қаттиқ бўлади, масалан: именительный келишиги – песни (ашулалар), родительный келишиги – песен (лекин песень эмас).

-ь белгиси қуйидаги сўзлардагина ёзилади: деревень, барышень, кухня.

№ 46. Второе склонение. Иккинчи турланиш.

Иккинчи турланишга қуйидаги сўзлар киради:

а) мужской родга кирадиган ва негизи қаттиқ, юмшоқ ундош билан тугайдиган (охирида – ь белгиси ёзилади), яъни бирлик сонда именительный келишиги тугалликсиз бўлган отлар, масалан: стол, конь, сарай, врач, профессор;

б) средний родга кирадиган ва тугаллиги –е, (-ё), -о бўлган отлар, масалан: море, собрание, ружьё, дело, письмо.

Падежи Келишиклар	Единственное число. Бирлик			
	Мужской род.		Средний род.	
Именительный	стол	соловей	окно	ружьё
Родительный	стола	соловья	окна	ружья
Дательный	столу	соловью	окну	ружьё
Винительный	стол	соловья	окно	ружьё
Творительный	столом	соловьём	окном	ружьём
Предложный	(о) столе	(о) соловье	(об) окне	(о) ружье

Мужской род сўзлари турланганда винительный келишигида икки форма бўлмоғи мумкин:

1) жонли нарсаларни билдирадиган сўзларнинг винительный келишиги родительный келишиги билан бир хил бўлади, масалан: родительный келишиги соловья (пение соловья булбулнинг сайраши) винительный келишиги – соловья (вижу соловья- булбулни кўраяпман) каби.

2) жонсиз нарсаларни билдирадиган сўзларнинг винительный келишиги именительный келишиги билан бир хил бўлади; масалан: именительный келишиги стол (стол), винительный келишиги стол (столни).

Мужской род сўзларининг охирида ж,ч,ш,щ товушлари келса, именительный келишигида –ь белгиси ёзилмайди, масалан: врач (мой).

Женский род сўзларида эса, –ь белгиси ёзилади, масалан: ночь (моя) – тун,кеча.

Иккинчи турланишдаги баъзи бир жонсиз предмет отларининг, айниқса жамловчи отларнинг, родительный келишигида гоҳ –а, –я (масалан: сахара,чая), гоҳ, –у, –ю (сахару-чаю) бўлмоғи ва маълум миқдорни ёки предметнинг бир қисмини (бўлагини) билдирмоғи мумкин. Абстракт маъноли сўзлар ҳам родительный келишигида –у, –ю тугаллигини қабул қилади: много шуму, мало толку. Шунингдек, ўрини билдирувчи баъзи бир отлар ҳам предлоглар билан ишлатилиб, родительный келишигида –у, –ю билан тамомланади, масалан: из дому, из лесу каби.

Иккинчи турланишда предложный келишигининг охирида (биринчи турланишидек) –е ёзилади, масалан:

Падежи Келишиклар	Биринчи турланиш	Иккинчи турланиш
Именительный	гора (тоғ)	стол (стол)
Предложный	(о) горе (тоғ тўғрисида)	(о) столе (стол тўғрисида)

Творительный келишигида ж, щ, ч, щ ва ц товушларидан кейин (биринчи турланишдаги каби) урғу остида о, урғу бўлмаса, е ёзилади: плащом,(плащ билан), товарищем (ўртоқ билан);

Падежи Келишиклар	Множественное число. Кўплик.				
	Мужской род.			Средний род.	
Именительный	кони	столы	врачи	места	моря
Родительный	коней	столов	врачей	мест	морей
Дательный	коням	столам	врачам	местам	морям
Винительный	коней	столы	врачей	места	моря
Творительный	конями	столами	врачами	местами	морями
Предложный	(о) конях	(о) столах	(о) врачах	(о)местах	(о) морях

Кўплик сонда баъзи бир мужской род отларининг именительный келишиги –а,–я тугалликларини қабул қилади:

Бирлик

город

поезд

учитель

Кўплик

города

поезда

учителя

Баъзи мужской род сўзларининг кўплиги икки формада ишлатилиши мумкин. Цветы (гуллар)- цвета (бўёқлар); зубы (тишлар, масалан, одамнинг тишлари) -зубья (масалан, моланинг тишлари)

-ко, -хо, -чо билан битган средний род сўзларида кўпликнинг именительный келишигида –и ёзилади, масалан: яблоко-яблоки, (ухо-уши, плечо-плечи).

Средний род сўзларининг охирида, именительный келишигининг кўплигида, -а ёки –я ёзилади, масалан: место-места, окно-окна, ружьё-ружья, поле-поля.

Баъзи бир отларда кўпликнинг именительный келишигида фақат –ья ёзилади, масалан: брат-братья, крыло-крылья. Иккинчи турланишдаги мужской род отлари родительный келишигининг кўплигида –ов,-ев,-ёв,-ей тугалликларини қабул қилиши мумкин, масалан: заводы-заводов, борцы-борцов, листья-листьев, музеи-музеев, бои-боёв, друзья-друзей, дни-дней, товарищи-товарищей ва х.к.

Средний родаги отлар родительный келишигининг кўплигида тугалликсиз бўлади, масалан: государства-государств, средства-средств, плечи-плеч, сёла-сёл, места-мест ,дела-дел.

№ 47. Третье склонение. Учинчи турланиш.

Рус тилида женский род сўзлари охирида юмшоқ ундош ёки ж, ч, щ, ш товушлари келса, учинчи турланиш бўйича турланади.

Падежи Келишиклар	Единственное число. Бирлик.		Множественное число. Кўплик.	
	площадь	вещь	площади	вещи
Именительный	площадь	вещь	площади	вещи
Родительный	площади	вещи	площадей	вещей
Дательный	площади	вещи	площадям	вещам
Винительный	площадь	вещь	площади	вещи
Творительный	площадью	вещью	площадями	вещами
Предложный	(о) площади	(о) вещи	(о)площадах	(о) вещах

Женский род сўзларининг именительный келишигида ж, ч, щ, ш товушларидан сўнг юмшатиш белгиси ёзилади, масалан: вещь-нарса, ночь-тун, кеча, мышь-сичқон, помощь-ёрдам.

Учинчи турланишда –е тугаллиги ҳеч ишлатилмайди. Бу тугаллик фақат биринчи ва иккинчи турланишда бўлади. Учинчи турланишда родительный, дательный ва предложный келишикларининг бирлигида –и ёзилади, масалан: у площади, к площади, на площади. Путь сўзи мужской родга киради. Творительный келишигининг бирлигида –ью ёзилади, масалан: вещью, площадью.

**№ 48. Склонение слов, обозначающих фамилии и названия городов.
Фамилия ва шаҳар номларини билдирувчи отларнинг турланиши.**

Падежи Келишиклар	-ин, -ын билан тугаган фамилиялар нинг турланиши		
Именительный	Тугарин	Бурдин	Ильин
Родительный	Тугарина	Бурдина	Ильина
Дательный	Тугарину	Бурдину	Ильину
Винительный	Тугарина	Бурдина	Ильина
Творительный	Тугариным	Бурдиным	Ильиным
Предложный	(о) Тугарине	(о) Бурдине	(об) Ильине

-ин, -ын билан тугаган ва фамилияни, шаҳар номини билдирувчи мужской род отларининг творительный келишиги -ым билан тамомланади. Аммо -ин билан тамомланадиган чет эл шаҳар номларининг творительный келишиги -ом билан тамомланади, масалан: над Берлином

Падежи Келишиклар	-ов, -ев билан тугаган фамилиялар нинг турланиши		
Именительный	Кадыров	Иванов	Петров
Родительный	Кадырова	Иванова	Петрова
Дательный	Кадырову	Иванову	Петрову
Винительный	Кадырова	Иванова	Петрова
Творительный	Кадыровым	Ивановым	Петровым
Предложный	(о) Кадырове	(об) Иванове	(о) Петрове

-ов, -ев билан тамомланадиган ва мужской родга кирадиган фамилияларнинг творительный келишиги -ым тугалланмасига эга.

Падежи Келишиклар	<u>-ов</u> , <u>-ев</u> , <u>-ово</u> , <u>-ево</u> билан тамомланувчи шаҳар ва жой номларининг турланиши	
Именительный	Саратов	Кунцево
Родительный	Саратова	Кунцева
Дательный	Саратову	Кунцеву
Винительный	Саратов	Кунцево
Творительный	Саратовом	Кунцевом
Предложный	(о)Саратове	(о) Кунцеве
Падежи Келишиклар	<u>-ина</u> , <u>-ова</u> , билан тамомланувчи фамилия ва исмларнинг турланиши	
Именительный	Ильина	Петрова
Родительный	Ильиной	Петровой
Дательный	Ильиной	Петровой
Винительный	Ильину	Петрову
Творительный	Ильиной	Петровой
Предложный	(об) Ильиной	(о) Петровой

-ина, -ова билан тамомланадиган ва мужской родга кирадиган фамилиялар женский род сифатлари каби турланадилар; винительный келишигининг тугаллиги отларнинг винительный келишигидаги тугаллиги каби бўлади.

-енко, -ко билан тамомланувчи украинча фамилиялар одатда келишик билан турланмайди, масалан: видел Клименко, взял у Клименко, недоволен поведением Клименко каби.

-ич ёки -ович билан тамомланувчи фамилия эркак кишини билдирса, бошқа отлар сингари турланади, масалан: Богданович, Богдановича, Богдановичу, Богдановичем, о Богдановиче каби. Агар бундай фамилия хотин кишини билдирса, турланмайди, масалан: приехала Богданович, пойду к гражданке Богданович, недоволен гражданкой Богданович, взял у гражданки Богданович каби.

Хорижий тиллардан олинган ва ундош билан тамомланадиган фамилиялар эркак кишини билдирса, бошқа отлар сингари турланади, масалан: Шмидт, Шмидта, Шмидту, Шмидтом, о Шмидте каби. Агар бундай фамилиялар хотин кишини билдирса, турланмайди, масалан: гражданка Шмидт, у гражданки Шмидт, гражданке Шмидт, гражданкой Шмидт, о гражданке Шмидт каби.

Русча бўлмаган ва унли товуш билан тамомланадиган фамилиялар ҳамда – у, -и, -е, -о билан тамомланадиган шаҳар номлари турланмайди, масалан: Баку, из Баку, поеду в Баку, говорил в Баку; Тбилиси, приехал из Тбилиси, поеду в Тбилиси, говорил о Тбилиси каби.

№ 49. Склонение существительных на -мя. -Мя билан тугаган отларнинг турланиши.

Средний родга кирадиган ва –мя билан тамомланадиган отлар (время, знамя, пламя, племя, семя, вымя, темя, бремя, стремя, имя сўзи каби турланади, масалан: имя, имени, имени, имя, именем, (об) имени.

Падежи Келишиклар	Множественное число. Кўплик	
Именительный	имена	знамёна
Родительный	имён	знамён
Дательный	именам	знамёнам
Винительный	имена	знамёна
Творительный	именами	знамёнами
Предложный	(об) именах	(о) знамёнах

№ 50. Окончаний падежей. Келишикларнинг тугалликлари.

Именительный келишиги. Именительный келишигидаги отлар охирида куйидаги тугалликлар бўлади:

Единственное число. Бирлик.		
Мужской род	Женский род	Средний род
Қаттиқ ундошлар билан тугаган сўзлар	- <u>а</u>	- <u>о</u>
Юмшоқ ундошлар билан тугаган отлар	- <u>я</u>	- <u>е</u>
-й товуши билан тугаган отлар	- <u>ь</u>	- <u>ё</u>
Множественное число. Кўплик		
- <u>ы</u> , - <u>и</u>	- <u>а</u> , - <u>я</u>	- <u>а</u> , - <u>я</u>

Родительный келишиги. Рус тилида родительный келишигидаги отларнинг тугалликлари куйидагича:

Единственное число. Бирлик.		
Мужской род	Женский род	Средний род
- <u>а</u> , - <u>я</u>	- <u>ы</u> , - <u>и</u>	- <u>а</u> , - <u>я</u>

Мужской род сўзлари родительный келишигининг бирлигида -а,-я тугалликлари билан бир қаторда -у,-ю тугалликларига ҳам эга бўлиши мумкин.

- 1) Бирор нарса ёки материалнинг микдорини ёхуд унинг бир қисмини кўрсатганда, масалан: он выпил стакан чаю, взял кусок сахару, купил килограмм мёду. Лекин хлеб, овёс сўзлари -у тугаллигини эмас, -а тугаллигини қабул қилади: купил хлеба (лекин хлебу эмас).
- 2) из, до олд кўмакчиларидан кейин ўрин кўрсатилганда, масалан: вышел из лесу, до дому километра три, урғу одатда, олд кўмакчига ўтади;
- 3) до, с, около олд кўмакчиларидан кейин вақт кўрсатилганда, масалан: ждал с часу дня, ждал до часу дня, ждал около часу;
- 4) с (со) олд кўмакчисидан кейин сабаб кўрсатилганда, масалан: умереть со страху, крикнуть с испугу;
- 5) олд кўмакчи билан келган баъзи бир ибораларда, масалан: упустить из виду, не видеть от роду;
- 6) Баъзан инкор юкламалари (нет,не,ни) билан келганда, масалан: нет снегу, дыму, сору; не показывать и виду; ни складу ни ладу, ни слуху, ни духу, нет толку каби.

Родительный келишигининг кўплигида -ов,-ев,-ёв,-ей тугалликлари бўлиши мумкин.

-ов тугаллиги қаттиқ ундош билан тамомланган ҳамма мужской род отларига кўшилади, масалан: городов, учеников, столов каби

-ов,-ев тугалликлари -ц билан тамомланувчи мужской род отларига кўшилади. Урғу остида -ов, урғу бошқа бўғинга тушганда -ев ёзилади, масалан: бойцов, ташкентцев.

-ев тугаллиги кўпликда -ья билан тамомланувчи мужской род сўзларининг негизига кўшилади, масалан: братья - братьев, листья- листьев.

Бу қоидадан мустасно: сыновья – сыновей, друзья-друзей.

-ев,-ёв тугалликлари негизи –й билан тамомланувчи мужской род сўзларига кўшилади. Урғу остида -ёв, урғу бошқа бўғинга тушса, -ев ёзилади, масалан: героев, боёв каби.

-ей тугаллиги юмшоқ ундош, каттиқ ва юмшоқ шипилдоқ товуш билан тамомланувчи негизларга, кўшилади, масалан: учителей, карандашей.

Дательный келишиги Дательный келишигида келган отларнинг тугалликлари:

Единственное число. Бирлик.		
Мужской род	Женский род	Средний род
-у,-ю	-е,и	-у,-ю

Винительный келишиги Винительный келишигида келган отларнинг тугалликлари:

Единственное число. Бирлик.		
Мужской род	Женский род	Средний род
-а, -я	-у,-ю	-о,-е
Жонли предметларни билдирувчи отлар учун родительный келишигидаги каби		именительный келишигидаги каби
Жонсиз предметларни билдирувчи отлар учун именительный келишигидаги каби		

Творительный келишиги Творительный келишигида келган отларнинг тугалликлари:

Единственное число. Бирлик.		
Мужской род	Женский род	Средний род
-ом, -ем	-ой, -ей, -ью	-ом, -ем

-ом тугаллиги урғу билан ишлатилади, масалан: карандашом, ножом каби.

-ем тугаллиги урғу олдинги бўғинларга тушганда ишлатилади, масалан: товарищем, партийцем каби.

Предложный келишиги Предложный келишигида келган отларнинг тугаллиги бирлик сонда учала род учун бир хил бўлади:

-е масалан: в городе, в деревне, в селе, в доме, в классе каби.

1) мужской родаги баъзи отлар предложный келишигида в, на олд кўмакчиларидан кейин -у, -ю тугалликларига эга бўлади. Урғу одатда тугалликка тушади.

Именительный келишиги	Предложный келишиги	Именительный келишиги	Предложный келишиги
бой	в бою	берег	на берегу
быт	в быту	борт	на борту
глаз	в глазу	век	на веку
год	в году	воз	на возу
долг	в долгу	Дон	на Дону
дым	в дыму	край	на краю
жар	в жару	круг	на кругу
край	в краю	лёд	на льду
круг	в кругу	лоб	на льбу
Крым	в Крыму	луг	на лугу
лес	в лесу	мех	на меху
лёд	во льду	мёд	на меду
лоб	во льбу	мост	на мосту
мех	в меху	мох	на мху
мёд	в мёду	нос	на носу
мозг	в мозгу	плот	на плоту
мох	во мху	пол	на полу
нос	в носу	пост	на посту
плен	в плену	пруд	на пруду
полк	в полку	род	на роду
порт	в порту	смотреть	на смотре
пруд	в пруду	снег	на снегу
ров	во рву	сук	на суку
род	в роду	угол	на углу
ряд	в ряду	ход	на ходу
сад	в саду	шкаф	на шкафу
снег	в снегу		
сок	в соку		
строй	в строю		
тыл	в тылу		
угол	в углу		
ход	в ходу		
цвет	в цвету		
шкаф	в шкафу		

2) вақт маъносини билдирувчи сўзларда масалан: в прошлом году, в этом году, в каком году?, в первом году, во втором часу, в котором часу?

№ 51. Суффиксы имён существительных. От ясовчи суффикслар.

Шахс номини англатувчи суффикслар:

- тель: писатель, учитель, читатель;
- чик: лётчик, переводчик, грузчик;

- щик: барабанщик, чистильщик, красильщик;
- ец: борец, ловец, китаец;
- арь: пекарь, знахарь;
- ник: сапожник, мясник;
- ак,-як: рыбак, моряк, добряк;
- ун: крикун, болтун;
- ик: старик;
- ач: силач, ловкач;
- ист: активист, танкист;
- анин,-янин: южанин, северянин;
- ин: болгарин, татарин;
- ич: москвич;
- ниц-а: писательница,учительница;
- к-а: москвичка, рыбачка,,южанка;
- иц-а, -чиц-а, -ниц-а, -щиц-а: красавица, газетчица, умница, банщица;
- ья: бегунья.

Ўрин англатувчи суффикслар

- льн-я, -н-я: читальня, пекарня;
- ищ-е: жилище, убежище.

Қурол ва буюмларнинг номини ясовчи суффикслар:

- лк-а: молотилка, сеялка, косилка,;
- ник,-льник: бумажник, чайник, будильник;
- ил-о: зубило, шило, точило;
- изн-а: белизна;
- ство: геройство, государство,лукавство.

Иш-ҳаракат номини ясовчи суффикслар:

- к-а: колка,рубка,подписка;
- н-я,-отн-я, -овн-я: возня, беготня, болтовня;
- ани-е, -ени-е: преподавание, учение;
- (е)ств-о: огородничество, устройство;
- ьб-а: молотьба, ходьба.

Жамловчи отларни ясовчи суффикслар:

- ств-о: студенчество, крестьянство;
- н-я: родня;
- в-а: листва.

Кичрайтириш-эркалатиш маъносини англатувчи суффикслар:

- ик: домик, столик,садик;

- к-а: головка, песенка;
- ок, -ёк: кружок, ветерок, огонёк;
- иц-е, -ец-о: платище, пальтецо;
- ец, -ц-о: хлебец, деревцо;
- очк-а, -ечк-а: веточка, палочка, скамеечка;
- чик: стаканчик, чемоданчик;
- утк-а, -юшк-а: тётушка, дядушка;
- ышко: перышко, зёрнышко, солнышко;

Кесатиш маъносини англатувчи суффикслар:

- ишк-о, -ишка: городишко, хвастунишка;
- ёнк-а, -онк-а: избёнка, лошаденка, собачонка;

Кучайтириш маъносини англатувчи суффикслар:

- иц-е, -иц-а: домище, бревнище, бородища, ножища.

№ 52. Правописание сложных имён существительных.

Қўшма отларнинг имлоси.

Рус тилида қўшма отларнинг имлоси икки хил: 1) қўшиб ёзиладиган қўшма отлар, 2) дефис орқали ёзиладиган қўшма отлар.

№ 53. Слитное написание сложных имён существительных.

Қўшиб ёзиладиган қўшма отлар.

Қуйидаги қўшма отлар қўшиб ёзилади:

- 1) бириктирувчи о ёки е унлилари ёрдами билан ясалган қўшма отлар, масалан: земледелец, водопровод, паровоз, ледакол, мотовоз, хлопкозаготовки, пароход, овцевод каби;
- 2) Таркибида аэро –авиа,-авто,-мото,-вело,-кино,-фото,-абро,-зоо,-био,-гидросамолёт каби.
- 3) Таркибида санок соннинг родителъный келишиги бўлганда, масалан: пятилетка, полторатонка каби.
- 4) Таркибида – град,-город қисми бўлган шаҳарларнинг: Белгород, Ужгород, Волгоград каби.
- 5) Биринчи қисми –и билан тугаган феълдан ясалган қўшма отлар, масалан: сорвиголова, вертихвостка, горицвет каби.

**№ 54. Написание сложных имён существительных через дефис.
Дефис орқали ёзиладиган кўшма отлар.**

Дефис орқали куйидаги кўшма отлар ёзилади:

П.	(о) некоем		(о) некой, (о) некоей	(о) неких, некими (о) неких, о (неких)

1. Илгари неких, некими ўрнига неких, некими, ҳам ишлатилар эди.
2. Какой, который, каковой, такой, таковой, всякий, каждый ҳамда шу олмошлардан ясалган бўлишсизлик ҳам гумон олмошлари (яъни никакой, некоторый, какой-то сингари) тўлиқ сифат каби турланади.

№105. Правописание местоимений. Олмошларнинг имлоси.

1. Олд кўмакчилар олмошлардан айрим ёзилади, масалан: для меня, для него, за тобой, за тем каби.
2. Ни ҳам не юкламалари бўлишсизлик ҳамда гумон олмошлари билан қўшиб ёзилади, масалан: никто, ничто, никакой, ничем, некого, некоторую каби.
3. Ни ҳам не юкламалари олмошдан олд кўмакчи билан ажратилса, айрим ёзилади, масалан: не за чем, не для кого, ни на которого каби.
4. Урғу остида не ёзилади, масалан: некем, нечего, не за чем, не над кем каби. Урғу олмошнинг ўзига тушса, ни ёзилади, масалан: никем, ничего каби.
5. -то, -либо нибудь юкламалари олмошларга дефис ёрдами билан қўшилади, масалан: кто-то, что-то, что-нибудь, у кого-нибудь, чем-либо, кем-либо каби.
6. Кое- юкламаси билан олмош ўртасида олд кўмакчи бўлмаса, юклама дефис орқали ёзилади, масалан: кое-что, кое-кто, кое-чем каби. Агар юклама билан олмош ўртасида олд кўмакчи бўлса, юклама айрим ёзилади, масалан: кое у кого, кое с кем, кое за чем каби.

№106. Глагол. Феъл.

Предметнинг иш-ҳаракатини ёки ҳолатини англатувчи сўзлар феъл дейилади. Феъл замон, шахс ва сон маънолари билан боғланган бўлади.

№107. Времена глагола. Феъл замонлари.

Феъл замон эътибори билан учга бўлинади:

- 1) настоящее время-ҳозирги замон феъли, масалан: хожу, читаю;
- 2) прошедшее время-ўтган замон феъли, масалан: ходил, читал;
- 3) будущее время-келаси замон феъли, масалан: приду, возьму, буду приходить, буду брать.

Феъллар гапда кўпинча кесим вазифасида келиб, эганинг иш-ҳаракати ёки ҳолатини билдиради. Кесим вазифасидаги феъллар эга билан шахс ва сон, ўтган замоннинг бирлигида эса сон ва род жиҳатидан мослашган бўлади.

№108. Переходные и непереходные глаголы. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар.

Феъллар англатган маънолари, вазифалари ва гапда тутган ўринларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- а) переходные глаголы- ўтимли феъллар;
- б) непереходные глаголы-ўтимсиз феъллар.

Феълдан англашилган ҳаракат таъсирининг бошқа бир предметга кўчишини билдирадиган феъллар ўтимли феъл деб аталади. Бундай феълларга боғланиб келган от ва бошқа сўз туркумлари одатда олд кўмакчисиз винительный келишигида келади, масалан: Я видел новую картину.

Феълдан англашилган ҳаракатнинг таъсири тўғридан-тўғри бирор нарсага кўчирилмаса, бундай феъллар ўтимсиз феъллар деб аталади. Ўтимсиз феълларга боғланиб келган от ва бошқа сўз туркумлари воситали келишикларда (олд кўмакчили винительный келишигида ҳам) ишлатилади. Пулат подошёл ко мне. Он работал за брата.

№ 109. Неопределенная форма глагола. Феълнинг ноаниқ формаси.

Рус тилида феълнинг ноаниқ формаси охирида –ть, -ти, -чь бўлмоғи мумкин, масалан: мыть, идти, беречь.

Ўзбек тилида феълнинг ноаниқ формаси –моқ суффикси билан тугайди: ювмоқ, бормоқ, сақламоқ каби.

№ 110. Две основы глагола. Феълнинг икки негизи.

Рус тилида феъл формалари икки негиздан, яъни ноаниқ форма негизи билан ҳозирги замон (ёки оддий келаси замон) феъли негиздан ясалади.

Неопределённая форма. Ноаниқ форма	Основа Негиз	Настоящее время. Ҳозирги замон феъли	Основа Негиз
игра-ть	игра	вез-ут	вёз
чита-ть	чита	нос-ят	нос
вез-ти	вёз	смотрим-ят	смотрим

Ноаниқ форманинг негизини аниқлаш учун феълдан –ть, ти суффиксларини ажратиш керак. Ҳозирги замон ёки оддий келаси замон феълнинг негизини аниқлаш учун тусланадиган феълдан шахс тугалликларини ажратиш керак.

№ 111. Спряжение глаголов. Феълларнинг тусланиши. Настоящее время. Ҳозирги замон.

Лицо Шахс	Единственное число. Бирлик		
1е	я живу	пишу	даю
2-е	ты живёшь	пиш-ешь	да-шь
3-е	он живёт	пишет	да-ёт
Лицо Шахс	Множественное число. Кўплик		
1е	мы живём	пиш-ем	да-ём
2-е	вы живёте	пиш-ете	да-ёте
3-е	они живут	пиш-ут	да-ют
Лицо Шахс	Единственное число. Бирлик		
1е	я слышу		сто-ю
2-е	ты слыш-ишь		сто-ишь
3-е	он слы-шет		сто-ит
Лицо Шахс	Множественное число. Кўплик		
1е	мы слыш-им		сто-им
2-е	вы слыш-ите		сто-ите
3-е	они слыш-ат		сто-ят

№112. Глаголы первого и второго спряжения. Биринчи тусланиш ва иккинчи тусланиш феъллари.

Ҳозирги замон феълларининг охирида –у (-ю), -ешь (ёшь), -ет (ёт), -ем (-ём), -ете (ёте), -ут (ют) шахс тугалликлари бўлса, бундай феъллар биричи тусланиш феъллари деб ҳисобланади. Ҳозирги замон феълларининг охирида – у (-ю), ишь, -ит, им, -ите, -ат (-ят) шахс тугалликлари бўлса, бундай феъллар иккинчи тусланиш деб ҳисобланади.

Лицо Шахс	Число. Сон	Первое спряжение. Биринчи тусланиш феъллари	Второе спряжение. Иккинчи тусланиш феъллари
2-е	бирлик	-ешь ты читаешь, (ёшь) ты берёшь	-ишь ты сидишь, ты молчишь
3-е		-ет он читает, (ёт) он берет	-ит он сидит, он молчит
2-е	кўплик	-ете- вы читаете, (ёт) вы берёте	-ите вы сидите, вы молчите
3-е		-ут они берут, (ют) они читают	-ат они молчат, (ят) они сидят

Агар урғу шахс тугалликлари устига тушса, феълнинг қайси тусланишига киришини ўша тугалликларга қараб аниқлаш мумкин. Агар урғу шахс тугалликлари устига тушмаса, феълнинг қайси тусланишига киришини уларнинг ноаниқ формаларидан аниқлаш мумкин.

Иккинчи тусланишга шахс тугалликлари урғусиз бўлган қуйидаги феъллар киради:

- 1) –ить билан тамомланувчи ҳамма феъллар, масалан: ходить-ходишь-ходят, строить-строишь-строят;
- 2) –еть ва ать билан тамомланувчи ўн бир феъл: смотреть, видеть, ненавидеть, терпеть, обидеть, вертеть, зависеть, держать, слышать, сышать, гнать; ҳамда шу феъллардан олд кўшимча ёрдами билан ясаладиган феъллар, масалан: посмотреть, увидеть, услышат, выдержать, подышать каби.

Феъл ноаниқ формасининг суффикслари	Қайси феъллар	Мисоллар
-ить	брить феълидан бошқа ҳамма феъллар	носить-носят ходить-ходят тушить-тушат
-еть	тусланганда е унлиси тушиб қолса	видеть-вижу-видят смотреть-смотрим-смотрят

ать	тусланганда шипилдок товушлардан а унлиси тушиб қолса	слышать-слышу-слышат дышать-дышу-дышат
-----	-------------------------------------------------------------	-------------------------------------------

хотеть, бежать феъллари ҳам биринчи, ҳам иккинчи тусланиш бўйича, аралаш ҳолда тусланади:

Лицо. Шахс		Кўплик
1-е	я хочу, бегу	Мы хотим бежим
2-е	ты хочешь, бежишь	вы хотите бежите
3-е	он хочет бежит	они хотят бегут

Есть (емок) ва дать (бермок) ҳам алоҳида тусланади, масалан: бирликда: ем, ешь, ест; дам, дашь, даст; кўпликда: едим, едите, едят; дадим, дадите, дадут сингари

№113. Прошедшее время. Ўтган замон феъли.

Ўтган замон феъли шахсга нисбатан бир хил бўлса ҳам, бироқ род жиҳатидан уч хил (мужской род, женский род, средний род) бўлади.

Единственное число. Бирлик			
Мужской род	я (ты, он)	читал	мыл
Женский род	я (ты, она)	читала	мыла
Средний род	оно	читало	мыло
Множественное число. Кўплик			
	Мы (вы, они)	читали	мыли

Ўтган замон феълининг негизи кўпинча ноаниқ форма негизи билан бир бўлади, масалан:

Ноаниқ форма	Ўтган замон
горе-ть	горе-л
жа-ть	жа-л
писа-ть	писа-л
плака-ть	плака-л

№114. Виды глаголов. Феъл турлари.

Феъллар иш ҳаракатнинг тамом бўлганни, тугалланганни, бир қарра бўлиб ўтганини ёки тамом бўлмаганини, давом этаётганлигини англата олади. Биринчи турдаги феъллар совершенный вид феъллари, иккинчиси эса несовершенный вид феъллари дейилади, масалан:

Несовершенный вид	Совершенный вид
читать	прочитать (ўқиб бўлмоқ)
писать	написать (ёзиб битирмоқ)

Тугалланмаган турдаги феъллар уч замога, яъни ҳозирги замон, ўтган замон ҳам келаси замонга эга; тугалланган турдаги феъллар икки замон формасига эга: ўтган замон ва келаси замон. Ҳозирги замонда ишлатилмайди.

Содда, туб феъллар, яъни бошқа феъллардан ясалмаган, кўшимчасиз феъллар, одатдагидек, тугалламаганликни англатувчи феълларга киради. Баъзи бир туб феъллар, масалан: решить, бросить, дать, купить ва бошқалар маъно жиҳатидан тугаллаганликни англатувчи феъллар қаторига киради.

Содда, туб феъллардан олд кўшимчалар ёрдами билан тугалланган феъллар яшаш мумкин, масалан: тугалланмаганликни англатувчи писать феълидан олд кўшимчалар ёрдами билан қуйидаги феълларни тузмоқ мумкин: написать (ёзиб қўймоқ, ёзиб бермоқ), записать (ёзиб олмоқ), переписать (кўчириб ёзмоқ), надписать (устига ёзмоқ), подписать (қўл қўймоқ, остига, охирига ёзиб қўймоқ) ва ҳоказо.

- ну суффикси воситаси билан тугалланганликни ҳосил қилади, масалан:

Несовершенный вид	Совершенный вид
толкать (туртмоқ)	толкнуть (туртиб юбормоқ)
кричать (қичқирмоқ)	крикнуть (қичқириб юбормоқ)

Тугалланганликни англатувчи феъллардан –ыва, -ива суффикслари ёрдами билан тугалланмаганликни англатувчи феъллар ясалади, масалан:

Совершенный вид	Несовершенный вид
записать (ёзиб олмоқ)	записывать (ёзмоқ)
переписать (кўчириб ёзиб, бўлмоқ)	переписывать (кўчириб ёзмоқ)
окончить (тамом қилиб қўймоқ)	оканчивать (тамомламоқ)

Тугалланганликни англатувчи феъллардан олд турли олд кўшимчалар қўлланиши мумкин, масалан:

Олд кўшимчалар	Несовершенный вид	Совершенный вид
при-	шить (тикмоқ)	пришить (тикиб қўймоқ)
про-	читать (ўқимоқ)	прочитать (ўқиб чикмоқ)
с	делать (қилмоқ)	сделать (қилиб қўймоқ)
на	писать (ёзмоқ)	написать (ёзиб қўймоқ)
по	чинить (тузатмоқ)	починить (тузатиб қўймоқ)

№115. Будущее время. Келаси замон.

Келаси замон будущее простое время - келаси замон содда феъли ва будущее сложное время-келаси замон кўшма феъли бўлиб, иккига бўлинади.

Келаси замон феълларининг ишлатилиши феълларнинг тугалланган ва тугалланмаганлигига боғлиқ: Я прочитаю, ты прочитаешь, он прочитает; мы прочитаем, вы прочитаете, они прочитают каби.

1. Будущее простое время. Содда келаси замон

Лицо. Шахс	Единственное число	
	Бирлик	
1е	Я приду	напишу
2-е	ты придешь	напишешь
3-е	он придёт	напишет
Лицо. Шахс	Множественное число. Кўплик	
1е	мы придём	напишем
2-е	вы придёте	напишете
3-е	они придут	напишут

2. Будущее сложное время. Кўшма келаси замон

Лицо. Шахс	Единственное число	
	Бирлик	
1е	Я буду читать, писать	
2-е	ты будешь читать, писать	
3-е	он будет читать, писать	
Лицо. Шахс	Множественное число. Кўплик	
1е	мы будем читать, писать	
2-е	вы будете читать, писать	
3-е	они будут читать, писать	

№116. Наклонения глагола. Феъл майиллари.

Рус тилида феъллар уч майлга бўлинади:

- 1) изъявительное наклонение-аниқлик майли; бу майл иш - ҳаракатнинг уч замондан бирига тааллуқли эканлигини билдиради (феъл мавзусида ёзилган).
- 2) повелительное наклонение-буйруқ майли; бу майл тингловчи томонидан бажарилиши зарур бўлган иш ҳаракатни англатади (**қаранг: повелительное наклонение**)
- 3) условное наклонение-шарт майли; бу майл бирор иш-ҳаракатнинг маълум шарт билан бажарилишини англатади (**қаранг: условное наклонение**)

№ 117. Повелительное наклонение. Буйруқ майли.

Рус тилида буйруқ майли кўидагича ясалади:

- 1) ҳозирги замон феълнинг тугаллигидан олдин унли товуш келса, буйруқ феъли яшаш учун **-й** кўшилади, масалан: работаю-работай, читаешь-читай, проверяю- проверь.

- 2) хозирги замон феълининг тугаллигидан олдин ундош товуш келса, буйрук феълини ясаш учун -и кўшилади, масалан: смотрю-смотри, пишу-пиши
- 3) сўзнинг негизига -ь (юмшатиш белгиси) кўшиб ясалади, масалан: сяду-сядь, режу-режь
- 4) бирликдан кўплик ясаш учун бирликниг охирга -те кушилади, масалан: читай-читайте, считай-считайте, режь-режьте.

№118. Сослагательное (условное) наклонение. Шарт майли.

Шарт майли иш ҳаракатнинг маълум бир шароитда бўлиши мумкин эканлигини билдириб, ўтган заон феълига бы (б) юкламасини кўшиш билан ясалади; бы (б) юкламаси феълдан айрим ёзилиб, феълнинг хоҳ олдида, хоҳ кейинида келиши мумкин, масалан: пошёл бы я; ты бы пошёл. Бы (б) юкламаси турли боғловчилар билан бирга келиши ҳам мумкин, (если бы, хоть бы)

Мы, приехали бы вовремя, если бы не опоздал поезд. Если б я знал.

№119. Глаголы на -ся. Ся билан тамомланувчи феъллар.

Феълларга -ся (ундош ва ь- юмшатиш белгиси) билан тамомланувчи феълларга) ёки -сь (унли билан тамомланувчи феълларга) кўшилиши мумкин, масалан: встречать-встречаться, встречается-встречается, встречай-встречайся, встречаю-встречаюсь, встречали-встречались. Бундай феъллар возвратные глаголы (яъни, ўзлик феъллари) деб аталади.

-ся юкламаси талаффузда одатда са каби айтилади, масалан:

Ёзилади	Талаффуз қилинади
брился	брилса
мылся	мылса
испугался	испугалса

Ўтимли феъллар -ся юкламасини қабул қилиб, ўтимсизлашади ва қуйидаги маъноларни англатади:

- 1) -ся юкламасини қабул қилган баъзи бир феъллар себя маъносини беради. Бунда иш-ҳаракат бажарувчи шахснинг ўзига қаратилган бўлади, масалан: мыть-мыться, одевать-одеваться каби.

Лицо. Шахс	Единственное число Бирлик	Множественное число. Кўплик
1е шахс	Я умыва-ю-сь	мы умыва-ем-ся
2-е шахс	ты умыва-ешь-ся	вы умыва-ете-сь
3-е шахс	он умыва-ет-ся	они умыва-ют-ся

Ўзлик феъллари биринчи ва иккинчи тусланиш бўйича тусланади, масалан: умываться (ювинмоқ-биринчи тусланиш феъли); сердиться (аччиқланмоқ - иккинчи тусланиш феъли:) сердися, сердятся

2) Баъзи феълларда –ся юкламаси мажҳуллик маъносини билдиради. Бунда эга иш-ҳаракатни бажарувчи шахс ёки предметни кўрсатмайди. Бажарувчи шахс ёки предметни творительный келишигида турган тўлдирувчи кўрсатади, масалан: ученик выполняет задание. –Задание выполняется учеником.

Глаголы страдательного залога (яъни мажҳул даражадаги феъллар) дейилади. Мажҳуллик маъносини билдирувчи феълларни фақат ўтимли феъллардан яшаш мумкин, масалан:

строить-строиться
 делать-делаться
 выполнять-выполняться
 читать-читаться каби

3) Бир қанча феълларда –ся юкламаси биргалик маъносини англатади, масалан:

побороть- побороться
 встречать-встречаться каби

–ся юкламаси ўтимсиз феълга қўшилса, феълнинг маъноси ўзгаради ва шу феъл кўпинча шахссиз феълларга айланади, масалан: Он не спит - Ему не спится; Ты думаешь-Тебе думается каби

Лекин шундай феъллар борки, улар гоҳ ся юкламаси билан, гоҳ юкламасиз ишлатилади; уларнинг маъноси бир, масалан: белеть-белеться, синеть-синеться, чернеть-чернеться каби.

Бу мисолларда –ся юкламасининг қўшилиши билан феълларнинг маъноси ўзгармайди.

Лекин –ся юкламасини қабул қилмайдиган феъллар ҳам бор, масалан: мокнуть, прилечь, умереть, пахнуть каби.

№ 120 Безличные глаголы. Шахссиз феъллар.

Шахссиз феъллар сон, род ва шахсга қараб ўзгармайдилар. Ҳозирги ва келаси замон формаларида шахссиз феъллар учинчи шахснинг бирлигида, ўтган замонда эса, средний родда ишлатилади, масалан: вечереет, морозит, нездоровится.

Шахссиз феъллар икки хусусиятга эга:

1) табиат ҳодисаларини билдирувчи шахссиз феъллар, масалан:

Ҳозирги замон	Келаси замон	Ўтган замон
светаеть	будет светать	светало
вечереет	будет вечерет	вечерело
морозит	будет морозит	морозило
смеркается	будут смеркаться	смеркалось

2) Бирор шахснинг бошидан кечираётган ҳолатини билдириб, дательный ёки винительный келишикларини талаб қилади, масалан:

Ҳозирги замон	Келаси замон	Ўтган замон
---------------	--------------	-------------

а) дательный келишигини талаб қилади:

мне	хочется	будет хотеться	хотелось
тебе			
ему			

б) винительный келишигини талаб қилади:

меня	лихорадит	будет лихорадить	лихорадило
тебя			
его			

№121. Частица не с глаголами. Не юкламасининг феъллар билан ишлатилиши.

1. Не юкламаси одатда феъллардан айрим ёзилади, масалан: я не читал, он не пришёл, мы не делали, вы не писали каби
2. Агарда феъллар не – сиз ишлатилмаса, не юкламаси кўшиб ёзилади, масалан: ненавидеть, негодовать каби.
3. Изоҳловчи сўзлари бўлмаган тўлиқ сифатдошлар билан –не юкламаси кўшиб ёзилади, масалан: неотправленное письмо (Бундай ҳолларда сифатдошнинг маъноси сифатга яқин бўлади.); аммо не неоконченый вовремя труд, не неотправленное из-за болезни письмо (бундай ҳолларда сифатдошнинг маъноси феълга яқин бўлади.)

№ 122. Причастие. Сифатдош.

Ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларига эга бўлган феъл формалари сифатдош деб аталади. Сифатдош икки замонни билдириб келади. Рус тилида келаси замон сифатдоши йўқ.

Сифатдошнинг сифатдан фарқи шуки, сифатдош предметнинг ҳаракат ёки ҳолатини билдириб, унинг шу белгисини маълум замонда кўрсатади.

№123. Действительные и страдательные причастия. Аниқ ва мажхул даражадаги сифатдошлар.

Сифатдошлар иккига бўлинади:

- 1) **действительное причастие**-аниқ сифатдош
- 2) **страдательное причастие**-мажхул сифатдош

Аниқ сифатдош ҳаракат қилган ёки ҳаракат қилаётган предметнинг белгисини кўрсатади, масалан: Писатель, написавший, этот роман; Ученик читающий книгу каби.

Мажхул сифатдошлар тўлиқ ва қисқа формаларга эга. Қисқа сифатдошлар турланмайди: улар род ва сонда эга билан мослашиб келади.

Қисқа сифатдошлар –н- (баъзан –т-) суффикслари билан ясалади: прочитано-прочитана-прочитано-прочитаны каби. Гапда қисқа сифатдош фақат кесим вазифасида кела олади: Дверь открыта. Тўлиқ сифатдошлар эса гапда иккинчи даражали гап бўлаклари ва кесим вазифасида ишлатилиши мумкин.

№124. Образование причастий. Сифатдошларнинг ясалиши

Сифатдошлар қуйидагича ясалади:

1. Ҳозирги замон аниқ сифатдошлари ҳозирги замон феълларидан 3-шахс кўплик тугалликларини олиб ташлаб, уларнинг ўрнига –ущ- (-ющ), -ащ-(-ящ) суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: нести-несут-несущий, несущая, несущее (олиб бораётган); писать-пишут-пишущий; пишущая-пишущее (ёзаётган).

2. Ҳозирги замон мажхул сифатдошлари ҳозирги замон феълларидан 1-шахс кўплик тугалликларини олиб ташлаб, унинг ўрнига –ем, -им-суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: читаем-читаемый-читаемая-читаемое (ўқилаётган); делаем-делаемый-делаемая-делаемое (қилинаётган).

3. Ўтган замон аниқ сифатдошлари ноаниқ форманинг негизига **-вш-, -ш-** суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: читать-читавший, читавшая, читавшее; принести-принёсший, принесшая, принесшее.

4. Ўтган замон мажхул сифатдошлари ноаниқ форманинг негизига **-нн-, -т-** суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: читать-читанный, читанная, читанное (ўқилган); мыть-мытый, мытая, мытое (ювилган).

-ти ноаниқ форма суффикси олдида ундош товуш келса, -ённый қўшилади, масалан: принести-принесу-принесённая, принесённый, принесенное (олиб келинган, келтирилган).

Ноаниқ форма охирида чь бўлса, -иный қўшилади масалан: сберечь-сбережешь-сбержённый, сберженная, сбереженное (сақланган).

Ноаниқ форма охирида –ть бўлса, -енн- суффиксини қўшганда, суффикс олдида ундош товушларнинг алмашилиши мумкин: купить-купленный, купленная, купленное (сотиб олинган).

№125. Склонение причастий-сифатдошларнинг турланиши.

Тўлиқ сифатдошлар тўлиқ сифатлар каби турланади.

Единственное число			
Падеж	мужской род	средний род	женский род
И.	строящийся завод	строящееся здание	строящаяся фабрика
Р.	строящегося завода	строящегося здания	строящейся фабрики
Д.	строящемуся заводу	строящемуся зданию	строящейся фабрике
В.	И.П.	строящееся здание	строящуюся фабрику
Т.	строящимся заводом	строящимся зданием	строящейся фабрикой
П.	(о) строящемся заводе	(о) строящемся здании	(о) строящейся фабрике
Множественное число			
Падеж			
И.	строящиеся завода	здания	фабрики
Р.	строящихся заводов	зданий	фабрик
Д.	строящимся заводами	зданиям	фабрикам
В.	как И.П.		
Т.	строящимися заводами	зданиями	фабриками
П.	(о) строящихся заводах	зданиях	фабриках

№126. Правописание причастий. Сифатдошларнинг имлоси.

1. Тўлиқ мажхул сифатдошларда қатор келган иккита **н**, қисқа сифатдошларда эса бита **н** ёзилади, масалан:

Тўлиқ сифатдошлар	Қисқа сифатдошлар
написанный диктант	диктант написан
прочитанная книга	книга прочитана
засеянное поле	поле засеяно
купленные книги	книги куплены

2. Олд кўшимчасиз феъллардан ясалаган ва сифат ёки от туркумига ўтган сифатдошлар битта **н** билан ёзилади, масалан: жареное мясо, кипячёная вода каби. Олд кўшимчали, феъллардан ясалган бўлса, иккита **н** ёзилади, масалан: воспитанный человек, пропущенный урок каби.

3. Биринчи тусланиш феълларидан ясалаган аниқ сифатдошларда –ущий, –ющий (пишущий, читающий каби), иккинчи тусланиш феълларидан ясалган сифатдошларда эса –ащий, –ящий (дышащий, сидящий каби) ёзилади.

4. Урғусиз ҳолда –енн - суффикси шипилдоқ товушлардан кейин –е билан, урғули ҳолларда эса ё билан ёзилади, масалан: выученный ва вооружённый каби.

№127. Частица **не** с причастиями. Не юклагасининг сифатдошлар билан ишлатилиши.

1. Тўлиқ сифатдош олдида изоҳловчи сўз келса, **не** юклагаси айрим ёзилади. Агарда изоҳловчи сўз бўлмаса, сифатдош ўзи аниқловчи вазифасида

келса, не юкламаси сифатдошга кўшиб ёзилади, масалан: Работа, не оконченная к сроку, задержала нас; У меня есть неоконченная работа.

2. Бир предметни бошқа бир предметга таққослаганда, не юкламаси айрим ёзилади, масалан: не написанный, а напечатанный каби.

Қисқа сифатдошлар билан не юкламаси айрим ёзилдаи, масалан: поручение не выполнено, собрание не созвано каби.

Келтирилган қисқа сифатлар гапда кесим вазифасида келади.

№128. Деепричастие. Равишдош.

Феъллик белгиларига ҳам, равишлик белгиларига ҳам эга бўлган феъл формаси **равишдош** деб аталади.

Бироқ равишдошлар феъл сингари сон ва шахс билан тусланмайди. Равишдош гапда гапнинг иккинчи даражали бўлаги (ҳол) васифасида келади.

Равишдош қайси феълдан ясалган бўлса, ўша феълнинг турини сақлайди. Тугалланмаган турга кирувчи равишдош ҳозирги замон феълнинг негизидан ясалади. Бунинг учун 3-шахс кўплик тугалликларини олиб ташлаб, ўрнига -я, -а суффиксларини кўшиш зарур, масалан: слушают-слушая, читают-читая, занимаются-занимаясь, держатся-держась, дышат-дыша, плачут-плача.

Ўзлик феълларидан ясалган равишдошларнинг охирида –сь ёзилади, масалан: советуются-советуясь, посоветовавшись (маслаҳатлашиб бўлиб).

№129. Равишдошларнинг ясалиш таблицалари

Қайси равишдош	Феълнинг қайси туридан	Феълнинг қайси негизидан	Кў шиладиган суффикс	Ясалиш усули
Ҳозирги замон равишдоши	феълнинг тугалланмаган туридан	Ҳозирги замон негизидан	-я, шипилдок товушлардан кейин -а	3-шахс кўплигидан <u>-ут (-ют)</u> , -ат, (-ят) суффиксларини ажратиб, -я (-а) суффиксларини кўшиш билан: читают-читая, говорят-говоря
Ўтган замон равишдоши	Феълнинг тугалланган туридан	Ўтган замон негизидан	-в (<u>вши</u>), л дан бошқа товушлар билан тугаган негизлардан кейин <u>-ши</u>	Ўтган замон суффикси –л ни ажратиб, -в (вши), –ши суффиксларини кўшиш йўли билан: прочитал-прочитав, сделал-сделав, написал-написав, встретил-встретивши

Баъзи феъллардан равишдош яшаш мумкин эмас, масалан: писать, беречь. стричь, сечь.

№130. Наречие. Равиш.

Иш ҳаракатнинг белгисини, яъни унинг бажарилаётган пайтидаги турли ҳолатларини билдирувчи сўз туркуми равиш деб аталади. Равиш турланмайди ва тусланмайди. Равишлар феъл, сифат ёки бошқа бир равишга боғланиб, гапда иккинчи даражали гап бўлаклари вазифасида келади.

№131. Разряды наречий. Равишларнинг турлари.

Равишлар ўзларининг билдирган маъноларига кўра, қуйидаги асосий турларга бўлинади:

Равишларнинг турлари	Қайси сўроқларга жавоб бўлиб келади?	Мисоллар
1. Наречия места-ўрин равишлари	где? куда? откуда?	здесь, там, вблизи, везде: сюда, направо, ниже, никуда, налево, отсюда, оттуда
2. Наречия времени-пайт равишлари	когда?	сегодня, вчера, утром, сейчас, никогда, когда-то, накануне, некогда
3. Наречия причины-сабаб равишлари	почему?, от чего?, по какой причине?	сгоряча, созла, сослепу
4. Наречия цели- мақсад равишлари	с какой целью?, для чего?	назло, нарочно, незачем, зачем, затем
5. Наречия образа действия-ҳолат равишлари	как?, каким образом?	хорошо, быстро, геройски, набело, верхом, еле-еле, так, вдруг, никак
6. Наречия мери и степени-даража равишлари	сколько?, насколько?, в какой степени?	много, дважды, впятеро, вдвое, очень, весьма, совсем

№132. Образование наречий. Равишларнинг ясалиши.

Равишларнинг кўпчилиги сифатлардан ясалган. Асл сифатлардан равишлар –о ва –е суффикслари билан ясалади, масалан: скорый (тез)-скоро (тез), слабый (кучсиз)-слабо (кучсиз ҳолда), искренний-искренне.

–ский, –цкий билан тугаган сифатлардан равишлар –ски суффикси билан ясалиши мумкин, масалан: геройский (қахрамонларга хос)-геройски (қахрамонона), критический-критически.

Бу равишлар баъзан по -олд қўшичаси билан бирга ишлатилади: по-геройски (қахрамонларча), по-доружски (дўстона).

Аммо бевосита ясалиши ҳам мумкин, масалан: вчера, дома.

Сонлардан ясалган равишлар: дважды, вдвойне, во-первых, во-вторых.

№133. Сравнительная степень наречий. Равишларнинг қиёсий даражаси.

-о билан тугаган равишлар қиёсий даражага эга. Қиёсий даража –е (-ей), шипилдоқ товушлардан кейик –е суффиксларни қўшиш йўли билан ясалади, масалан: быстро-быстрее, легко-легче, тихо-тише.

Гапда равишларнинг қиёсий даражаси иккинчи даражали гап бўлаги бўлиб, феъл билан боғланиб келади, масалан: Мы пойдём быстрее. Вы пишите лучше каби.

№134. Правописание наречий. Равишларнинг имлоси.

1. с-, из-, до-, олд қўшимчари ёрдами билан ясалган равишларнинг охирида ҳар вақт –а ёзилади, масалан: слева, изредка, издалека, досыта.
2. в-, за-, на- олд қўшимчалари билан ясалаган равишларнинг охирида -о ёзилади, масалан: влево, вправо, засветло, направо.
3. Равишларнинг охирида ч ва щ- товушларидан кейин ь- юмшатиш белгиси ёзилади, масалан: вскачь, сплошь.
4. -о, -е суффикслари ёрдами билан ясалаган равишдошларнинг охирида урғу остида -о, урғусиз ҳолда е ёзилди, масалан: хорошо, свежо, горячо каби.
5. Дефис орқали куйидаги равишлар ёзилади:
 - 1) по- олд қўшимчасидан кейин -ски, -цки, -ьи, -ому, -ему билан тамомланувчи равишлар, масалан: по-русски, по-турецки, по-лисьи, по –прежнему, по новому, по-видимому, по-прежнему, по-моему. Аммо куйидаги равишлар қўшиб ёзилди: поровну, попросту каби.
 - 2) в- (во) олд қўшимчаси ёрдами билан сонлардан ясалган равишлар, масалан: во-первых, в-третьих каби.
 - 3) Сўзларни такрорлаш йўли билан ясалган қўшма равишлар масалан: давным-давно, еле-еле, чуть-чуть, день-денской каби
 - 4) -то, -либо, кое-, -нибудь юкламалари ёрдами билан ясалган равишлар, масалан: куда-то, когда-либо, кое-как, где'-нибудь, как-нибудь каби.

Қуйидаги ҳолларда не юкламаси равишга қўшиб ёзилади:

- 1) равиш не юкламасисиз ишлатилмаса, масалан: небрежно, неизбежно, нелепо каби;
- 2) равиш не юкламаси билан бирга келиб, мустақил бир маънони билдирса, масалан: неверно (яъни ошибочно), недурно (яъни хорошо) каби.
- 3) бўлишсизлик равишларида, масалан: неоткуда, некогда каби.

Равишлар таркибига кирмаган ҳолда, не юкламаси айрим ёзилади, масалан: не сегодня, не везде, не медленно, не быстро каби.

Боғловчи вазифасида эса, равишлар билан бирга келган ни айрим ёзилади, масалан: ни здесь ни там, ни тогда ни теперь каби.

№135. Предлоги. Олд кўмакчилар.

Олд кўмакчи фақат айрим от ёки отларни иккинчи бир сўз билан боғлаб, уларнинг орасидаги муносабатларни кўрсатиш учун қўлланади.

Ҳар кайси олд кўмакчи фақат маълум келишиқ билан бирга ишлатилади. Олд кўмакчилар ўзлари боғланиб келган отларинг олдида келиб, айрим ёзиладилар.

Кўп олд кўмакчилар фақат бир келишиқ билан қўлланади, баъзилари икки, по, с олд кўмакчилари эса уч келишиқ билан қўлланади.

Келишиқ	Бир келишиқ билан қўлланадиган олд кўмакчилар	Икки келишиқ билан қўлланадиган олд кўшимчалар	Уч келишиқ билан қўлланадиган олд кўшимчалар
Р.	без, близ, вне, для, до, из, из-за, из-под, кроме, от, ради, среди, у	между	с
Д.	к		по
В.	про, через, сквозь	в, на, о, под, за	по, с
Т.	над, перед	за, под, между	с
П.	при	в, на, о	по


№136. Употребление предлогов. Олд кўшимчаларининг қўлланилиши.

Правописание предлогов. Олд кўмакчиларнинг имлоси.

1. Олд кўмакчилар сўзларнинг олдида келиб, айрим ёзилади. Олд кўмакчиларга ўхшаган олд кўшимчалар эса, кўшиб ёзилади.
2. Қўшма олд кўмакчилар дефис орқали ёзилади, масалан: из-за, из-под
3. В течение, в продолжение, вследствие каби олд кўмакчиларнинг охирида –е ёзилади, лекин в последствии деган равишда –и ёзилади.


1.Таблица

1.Жадвал



Ичига


Ичидан



2.Таблица

2.Жадвал


В	бежал	В	комнату
До	шёл	До	города
На	дел	На	голову
За	бежал	За	дом
От	плыл	От	берега
По	шёл	По	дороге
Под	лез	Под	кровать
С	лез	С	крыши
Бирга ёзилади		Ажратилиб ёзилади	



Различны


4. Таблица

4. Жадвал




5. Таблица

5. Жадвал




6. Таблица

6. Жадвал

Где?	Предложный падеж
<p>На крыше На горе На улице</p> <p>В доме В классе В городе</p>	


7. Таблица

7. Жадвал


Творительный падеж	
<p>Над (домом) Под (домом) За (домом) Птица детит над домом. Дерево растёт за домом.</p>	
<p>Над</p>  <p>Под</p>	<p>Над – сверху – устида</p> <p>Под – внизу – остида</p> <p>За – сзади - орқасида</p>

8. Таблица

8. Жадвал


С творительным падежом	Над (устида), Под (остида)
С предложным падежом	На (устида), В (ичида)
	<p>Над клеткой (тв.п.)</p> <p>На клетке (предл.п.)</p> <p>В клетке (предл.п.)</p> <p>Под клеткой (тв.п.)</p>

**Через что?
Через ящик**



Винительный падеж

Предлоги с винительным падежом	{ На (устига), В (ичига) За (оркасига), Под (остига)
На ящик – ящик устига. В ящик – ящик ичига.	За ящик – ящик оркасига. Под ящик – ящик остига



<p>Р. С ящика – яшиқдан. Из ящика – яшиқдан. От ящика – яшиқдан. (яшиқ ёнидан). Д. К ящигу – яшиқ ёнига. В. В ящик – яшиқка (яшиқ ичига). На ящик - яшиқка (яшиқ устига). Т. Перед ящиком – яшиқ олдида. За ящиком – яшиқ орқасида. П. В ящиге – яшиқда (яшиқ ичида).</p>	<p>Около ящика – яшиқ ёнида (яшиқ ёнига). У ящика – яшиқ ёнида. Под ящик – яшиқ остига. Через ящик – яшиқ устидан. Под ящиком – яшиқ остида. Над ящиком – яшиқ устида. На ящиге – яшиқда (яшиқ ичида).</p>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

№137. Союзы. Боғловчилар.

Мустақил маънолари бўлмай, гап бўлаклари ёки гапларни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажариб келадиган ва турланмайдиган сўз **боғловчи** деб аталади.

№138. Сочинительные и подчинительные союзы. Тенг ва эргаштирувчи боғловчилар.

Боғловчилар гапда бошқа сўзлардан одатда айрим ёзилади. Улар гапдаги вазифаларига кўра сочинительные союзы - тенг боғловчилар ва подчинительные союзы- эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

Тенг боғловчилар айрим сўзларни ва шунингдек айрим гапларни бир бири билан боғлаш учун хизмат қилади. Эргаштирувчи боғловчилар бир гапни иккинчи бир гапга боғлаб келади.

1.Сочинительные союзы-тенг боғловчилар:

а) и, да (и маъносида), тоже, также, ни-ни;

б)а, но, да (но маъносида), однако, же; в, или, либо-либо, то-то.

2.Подчинительные союзы-эргаштирувчи боғловчилар: если, потому что, оттого что, ибо, так как; чтобы; что; хотя, хоть, как, как....так; поэтому, так что.

№139 Разряды союзов. Боғловчиларнинг турлари.

Ўзларининг маъноларига кўра боғловчилар қуйидаги турларга бўлинади:

Боғловчиларнинг турлари	Тенг боғловчилар	Эргаштирувчи боғловчилар
Соединительные союзы-Бириктирувчи боғловчилар	и, да (и маъносида), ни-ни	
Противительные союзы-зидловчи боғловчилар	а, но, да (но маъносида), же	
Разделительные союзы-Айирувчи боғловчилар	или, либо-либо, то-то	
Условные союзы- шарт боғловчилар		если, ежели, коли
Причинные союзы-Сабаб боғловчилари		потому что, оттого что, ибо, так как
Целевые союзы-Мақсад боғловчилари		чтобы, дабы
Пояснительные союзы-Аниқловчи боғловчилари		чтобы, что
Уступительные союзы-Тўсиқсизлик боғловчилари		хотя, хоть
Сравнительные союзы-		как, как....так

Солиштирувчи боғловчилари		
Союзы следствия- боғловчилари	Натижа	поэтому, так что

№140. Правописание союзов. Боғловчиларнинг имлоси.

Тоже, также, затем, потому, поэтому, чтобы, итак каби боғловчиларни кўрсатиш олмошлари ва равиш билан бирга келган олд кўмакчи ва юклама бирикмаларидан фарқ қилиш керак. Чунки боғловчилар кўшиб ёзилса, от того, по этому, то же, что бы каби кўрсатиш олмошлари билан бирга келган олд кўмакчи ва юкламалар, так же, и так равиши билан бирга келган юкламалар айрим ёзилади.

Тоже ҳам также боғловчилари маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин; я тоже пойду-я также пойду. Улар (тоже, также боғловчилари) маъно жиҳатидан и боғловчисига яқин, масалан: Я тоже пойду-и я пойду.

№141. Частицы. Юкламалар.

Гап ёки гапнинг айрим бўлакларига ҳар хил кўшимча маъно берувчи ёрдамчи сўзлар **юклама** дейилади.

Юкламалар бир неча турга бўлинади:

1. Вопросительные частицы-сўроқ юкламалари: разве, неужели, ли.
2. Восклицательные частицы-ундов юкламалари: что-за, как.
3. Ограничительные частицы-чеклаш юкламалари: только, лишь.
4. Отрицательные частицы-инкор юкламалари: не далеко, не вовсе не.
5. Усилительные частицы- кучайтирув юкламалари: даже, ведь, то, же, ни.
6. Указательные частицы-кўрсатиш юкламалари: вот, вон

№142. Правописание частиц. Юкламаларнинг имлоси.

1. Же (ж), ли (ль), бы (б) юкламалари айрим ёзилади, масалан: пойдёшь ли ты в горы?, Мы же поехали. Я сделал бы, но сейчас занят.

Агар юклама сўзнинг таркибига кирган бўлса, кўшиб ёзилади, масалан: неужели, ужели, также, даже, тоже, чтобы каби.

2. Кое-, -то, -либо, -нибудь, -таки –ка юкламалари дефис орқали ёзилади, масалан: напиши-ка, кто-нибудь, кое-где, куда-либо каби.

1) Не сиз ишлатилмайдиган отларга не кўшиб ёзилади, масалан: невежда-нодон (вежда сўзи йўқ), ненависть-ёмон кўриш, нафрат (нависть сўзи йўқ).

2) Не билан ёзилган сўзнинг ўрнига маъноси яқин бўлган бошқа бир сўзни ишлатиш мумкин бўлса, не отга кўшилиб ёзилади, масалан: неприятель-враг (душман), несчастье-беда (бало).

Бошқа ҳолларда (не юкламаси отдан айрим ёзилади) ни юкламаси отдан айрим ёзилади, ни юкламаси отдан доим айрим ёзилади.

3) Бўлишсизлик маъноси не юкламаси билан билдирилади. Бунда юклама феъл ва отдан илгари туради ва айрим ёзилади, масалан: не писал (ёзмади), не пойду (бормайман), ёки не карандаш (қалам эмас), не книга (китоб эмас).

№143. Метдомегия.

Ҳис ва хаяжонни англатувчи сўзлар туркуми ундов дейилади. Масалан: а! ах! ба! айда! ура! э-эх! тьфу! фи! уф! ой-ой! ох! увы!

Ундовларга ўзгармайдиган танқидий сўзлар ҳам киради, масалан: ха-ха-ха, мяу-мяу, динь-динь каби.

Ёзувда ундовдан кейин вергул ёки ундов белгиси қўйилади.

Синтаксис

№ 144. Предложение. Гап.

Тугал бир фикр, бир уй англатувчи айрим сўз ёки сўзлар бирикмаси гап деб аталади. Оғзаки гапирган вақтимизда ҳар бир гапдан кейин бир оз тўхтаб олинади. Ёзувда бир гап иккинчи бир гапдан нукта, сўроқ ёки ундов белгиси билан ажратилади.

№ 145. Виды предложений. Гап турлари.

Гаплар ўзларининг билдирган мазмунларига кўра турлича бўлади:

- 1) повествовательное предложение – дарак гап,
- 2) вопросительное предложение – сўроқ гап,
- 3) восклицательное предложение – ундов гап,
- 4) повелительное предложение – буйруқ гап.

1.Бирор предмет ёки ҳодиса ҳақида хабар билдириб келган гап повествовательное предложение – дарак гап дейилади, масалан: Турсун приехал из колхоза. Он поступил в педагогический институт. Сейчас учится на третьем курсе.

Дарак гап тинч оханг билан айтилади ва бундай гапларнинг охирида овоз сусаяди. Ёзувда дарак гапнинг охирида нукта қўйилади.

2.Мазмундан сўраш маъносини англаган гап вопросительное предложение - сўроқ гап дейилади, масалан: Когда приехал Турсун из города? В каком институте он учится? Сегодня будет занятие кружка? Придет ли на собрание Турсун? Ёзувда сўроқ гапнинг охирида сўроқ белгиси қўйилади.

Сўроқ гаплар одатда икки йўл билан ифодаланиши мумкин: 1) кто? что? зачем? почему? сколько? куда? каби сўроқ олмошлари ва равишлар, ёки ли, ль сўроқ юкламалари ёрдами билан тузилиши мумкин; 2) сўроқ мазмуни гап оханги билан англантилиши мумкин.

Сўроқ гапни талаффуз этганда, гап ичидаги сўроқ маъносини англаиб келувчи сўз қаттиқроқ интонация билан айтилади. Бирор сўзда овознинг кўтарилиши билан кутган жавобнинг мазмуни ҳам ўзгаради, масалан: Ученики помогают фермерам убирать хлопок? Ученики помогают фермерам убирать хлопок? Ученики помогают фермерам убирать хлопок?

3) Мазмундан кучли ҳис-хаяжон (шодлик, таажжуб, хайронлик каби) англашилган гап восклицательное предложение-ундов гап дейилади, масалан: Как прекрасна наша Родина! Как хорошо сейчас в саду! каби. Ундов гап

охирида ундов белгиси қўйилади. Ундов мазмунини билдирган гаплар турли оҳанг билан айтилади.

4) Буюриш, чақириш, илтимос каби маъноларни англатувчи гаплар повелительное предложение – буйруқ гап дейилади, масалан: Выполнить задание! Открыть огонь!, стреляй! каби.

Буйруқ гаплар мазмунига кўра турли интонация билан айтилади.

№ 146. Простое и сложное предложение. Содда ва қўшма гап.

Гапнинг бош (эга, кесим) ва иккинчи даражали (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) бўлаклари бўлади.

Эга ва кесимнинг ўзидангина иборат бўлган гап простое нераспространённое предложение-содда йиғиқ гап дейилади, масалан: Наступила осень. Студенты учатся каби.

Гапда эга ва кесимдан ташқари иккинчи даражали бўлақлар ҳам бўлса, бундай гап простое нераспространённое предложение-содда ёйиқ гап дейилади, масалан: В Узбекистане наступила осень.

Икки ёки ундан ортиқ содда гаплардан тузилиб, мураккаб фикрни билдирган гап сложное предложение – қўшма гап дейилади.

№ 147. Связь слов в предложении. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши.

Гапда сўзлар бир-бири билан боғланади. Гапдаги сўзлар икки хил йўл билан боғланади; 1) сочинительная связь – тенг боғланиш ва 2) подчинительная связь – эргаш боғланиш.

1. Тенг ҳуқуқли сўзларнинг боғловчи ёрдами билан ёки боғловчисиз ўзаро бирикиши сочинительная связь – тенг боғланиш дейилади, масалан: реки у моря, смотрю и слушаю каби бирикмаларда сўзлар тенг ҳуқуқли, чунки улар бошқа сўзларга нисбатан бир хил муносабатда бўлади.

2. сўзларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, уни аниқлаб, тўлдириб, изохлаб келиши подчинительная связь – эргаш боғланиш дейилади. Аниқланадиган сўз подчиняющее слово – бош сўз (эргаштирувчи сўз), аниқлайдиган сўз эса подчинённое слово – эргаш сўз (эргашувчи сўз) дейилади.

Сўзларнинг ўзаро эргаш боғланиши уч турли бўлади: а) согласование-мослашув, б) управление-бошқарув ва в) примыкание-битишув.

а) бир сўзнинг иккинчи сўзга эргашиб, у билан род, сон, келишик ёки шахс жиҳатдан мослашиб боғланиши мослашув деб аталади.

б) бир сўзнинг бошқа сўз талабига кўра маълум (олд кўмакчили ёки олд кўмакчисиз) воситали келишикда туриши бошқарув дейилади.

в) бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай, фақат маъно жиҳатидан боғланиши битишув дейилади.

№ 148. Главные члены предложения.

Гапнинг бош бўлаклари.

Гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганини билдирган гап бўлаги эга деб айтилади. Эга одатда именительный келишигидаги от орқали ифодаланadi. Лекин именительный келишигидаги от маъносида ишлатилган бошқа сўз туркумлари орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Мисоллар	Эгани ифодаловчи сўз
Студенты собирают хлопок	студенты-от
Доброе и во сне должно быть хорошо	доброе-сифат
Пять не делится на два	пять-сон
Переправиться через эту реку не составляет труда	переправиться- феълнинг ноаниқ формаси
Работающие вернутся в два часа	работающие- сифатдош
Вдали раздалось громкое ура	ура –ундов.

Эга сўз бирикмалари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Мисоллар: Отец с сыном отправились на работу. Мы с тобой пойдём в школу. Шу гапларда отец с сыном ва мы с тобой сўз бирикмалари эга вазифасида ишлатилган.

№ 149. Сказуемое и его выражение.

Кесим ва унинг ифодаланиши.

Кесим гапнинг бош бўлақларидан бири бўлиб, эга ҳақида айтилган фикрни билдиради. Биргина сўздан ифодаланган кесим простое сказуемое- содда кесим, бирдан ортиқ сўз билан ифодаланган кесим составное сказуемое - кўшма (составли) кесим ҳисобланади.

Кесим кўпинча феъл орқали ифодаланadi. Лекин бошқа сўз туркумлари ҳам кесим вазифасида кела олади.

1. Простое сказуемое. Содда кесим

Мисоллар	Кесимни ифодаловчи сўз
Мы пишем сочинение	пишем кесим (ҳозирги замон)
Рабочие выполнили план	выполнили (ўтган замон)
Мы будем читать эту статью	будем читать (келаси замон)
Решите эту задача сегодня	решите (буйруқ)
Я поехал бы на охоту, но сейчас нет свободного времени	поехал бы (шарт феъллари орқали ифодаланган)
Зимний день короток	Короток- қисқа сифат
Книга интересная	Интересная- тўлиқ сифат
Дважды два-четыре	Четыре –санок сон
Наш дом третий от угла	Третий- тартиб сон

Эта книга твоя	Твоя-олмош
Ваш проезд некстати	Некстати-равиш
Наша задача-выполнить учебный план	Выполнить-фёълнинг ноаник формаси

2. Составное сказуемое. Қўшма (составли) кесим.

Қўшма кесим икки турли бўлади: а) именное составное сказуемое-от қўшма кесим ва б) глагольное составное сказуемое –фёъл қўшма кесим а) именное составное сказуемое-от қўшма кесим одатда именительный ва творительный келишикларидаги от ва тўлиқ сифат, ҳамда қисқа, қисқа мажхул сифатдош, равиш, олмош билан бирга келадиган быть, являться стать, становиться, делаться, казаться, оказываться, состоять, числиться каби ёрдамчи фёъллар (боғламалар) бирикмасидан иборат, масалан: Его сестра будет учительницей. Мой брат станет (сделается) учителем. К утру стало холодно каби.

Быть ёрдамчи (боғловчи) фёъли ҳозирги замонда тусланмайди. Ҳозирги замон маъносини билдирганда, қўшма кесим таркибида ўзгарилмайдиган есть сўзи ишлатилиши мумкин, масалан: У нас есть кадры молодых узбекских писателей и ученых каби.

Баъзан эга билан боғламасиз қўшма кесим орасида это, вот сўзлари ишлатилади, масалан: комбайн-это сельскохозяйственная машина, которая одновременно косит, собирает и обмалачивает хлеб. Учиться хорошо и отлично-вот наша задача каби.

б) глагольное составное сказуемое-фёъл қўшма кесим икки фёъл билан ифодаланади; улардан биринчиси ёрдамчи фёъл бўлиб, ишнинг бошланиши ёки тамомланишини, давом этишини, зарурлигини билдиради. Иккинчиси эса асосий фёъл бўлиб ноаниқ формада келади. Асосий маъно ноаниқ формадаги фёъл орқали берилади.

Ёрдамчи фёъл сифатида начать, стать, перестать, хотеть, намереваться, стараться, пытаться, собираться каби фёъллар ишлатилади. Тусланиш ва замонни шу фёъллар кўрсатади, масалан: Я хочу написать письмо товарищу. Он начал заниматься водным спортом. Ученики хотят овладеть русским языком каби.

Қўшма кесим таркибида тусланадиган фёъл билан бир қаторда қисқа сифатлар (должен, намерен, обязан, способен каби) ҳам ишлатилиши мумкин, масалан: Летом он должен поехать на берег моря. Я намерен прочитать эту книгу каби.

№ 150. Согласование сказуемого с подлежащим.

Кесимнинг эга билан мослашуви.

1. Фёъл-кесим эга билан шахс ва сонда (я читаю, ты читаешь каби), род ва сонда (я читал, она читала, мы читали каби) мослашади.

2. Қўшма кесим таркибидаги от ҳам, боғлама ҳам эга билан мослашади, масалан: Матч был интересный. Игра была интересная.

3. Мослашувнинг баъзи бир алоҳида ҳоллари:

а) Эга жамловчи от (народ, молодёжь, меньшинство, большинство, студенчество, множество, учительство, родня каби) билан ифодаланган бўлса, кесим бирлик сонда келади, масалан: Приехала его родня. Народ голосует за достойных каби.

б) Эга именительный келишигидаги от билан с олд кўмакчисини олган творительный келишигидаги отдан иборат бўлган бирикма орқали ифодаланса, кесим кўплик сонда келади, масалан: Приехали отец с матерью. Муж с женой работают в одной школе каби. Агар кесим бирлик сонда келса, гапнинг мазмуни ўзгаради, масалан: Пришёл отец с братом. Учительница с учеником пошла в библиотеку.

в) Эга родительный келишигидаги от ва много мало,немного,сколько, несколько сўзларидан тузилган бирикма орқали ифодаланса, кесим бирлик сонда келади,масалан: Много студентов собралось на стадионе. Несколько футболистов играло хорошо каби.

г) Эга санок сон билан родительный келишигидаги от бирикмаси орқали ифодаланса, кесим кўплик сонда ҳам, бирлик сонда ҳам келиши мумкин, масалан: Десять студентов получило отлично ёки десять студентов получили отлично.

Второстепенные члены предложения. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.

№ 151. Дополнение. Тўлдирувчи.

Предмет маъносини англатиб, гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан боғланган иккинчи даражали гап бўлаги тўлдирувчи дейилади. Тўлдирувчи кого? чего? кому? что? кем? о ком? о чем? каби воситали келишикларнинг сўроқларидан бирига жавоб бўлиб келади.

Тўлдирувчи кўпинча воситали келишикларда ишлатиладиган от орқали ифодалансади. Лекин бошқа сўз туркумлари (сифат,сон,олмош каби) билан ҳам ифодаланиши мумкин. Феълнинг ноаниқ формаси ҳам тўлдирувчи бўлиб келади.

Тўлдирувчи икки турли бўлади: 1) прямое дополнение – воситасиз тўлдирувчи ва 2) косвенное дополнение – воситали тўлдирувчи.

№ 152. Прямое дополнение. Воситасиз тўлдирувчи.

Олд кўмакчисиз винительный келишиги орқали ифодаланган тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи деб аталади. Воситасиз тўлдирувчи кого? ёки что? сўроғига жавоб бўлиб, иш-ҳаракатни тўғридан-тўғри ўз устига олган шахс ёки предметни билдиради, масалан: Я читаю книгу. Он пишет письмо. Поэму «Кому на Руси жить хорошо» Некрасов закончил в 1877 году каби.

№ 153. Косвенное дополнение. Воситали тўлдирувчи.

Олд кўмакчи билан келадиган винительный келишиги ва ҳамда олд кўмакчили ёки олд кўмакчисиз келган бошқа воситали келишиклар орқали ифодаланган тўлдирувчи воситали тўлдирувчи дейилади.

Воситали тўлдирувчи иш-ҳаракатнинг сабабчиси ва воситаси бўлган предметни иш-ҳаракатни қисман ўз устига олганлигини, иш-ҳаракатнинг йўналишини, кимга ё нимага қаратилган эканлигини англатади, масалан: Писать карандашом. Он написал Пулату. Ответать на письмо каби.

Воситали келишиклар	Мисоллар
Олд кўмакчисиз родительный келишиги	Чтение книги. Он работает лучше меня. Его заинтересовала красота природы. Я выпил стакан чаю.Собир купил килограмм мяса.
Дательной келишиги	Принеси мне книгу. Дай ученику тетрадь. Полезен родине. Ему нездоровится.
Творительный келишиги	Расписание составлено мною.Мой отец руководит стройкой. Я написал карандашом. Доказывай не словами, а делом
Предложный келишиги	Он рассказал о своей жизни, о работе на заводе.

№ 154. Определение. Аниқловчи.

Предметнинг белгисини англатувчи ва какой? который? чей? сколько? сўроқларига жавоб бўлиб келувчи гапнинг иккинчи даражали бўлаги аниқловчи дейилади.

Аниқловчи от билан боғанган бўлади. Аниқловчи томонидан аниқланган от аниқланмиш-определяемое деб аталади.

Аниқловчи турланадиган сўз туркумлари (от,сифат,олмош,сон), ҳамда феълнинг ноаниқ формаси равиш ва турли сўз бирикмалари орқали ифодаланади. Аниқловчи аниқланмиш сўзларга боғланиши томонидан икки турли бўлади: 1) согласованное определение - мослашган аниқловчи ва 2) несогласованное определение – мослашмаган аниқловчи

№ 155. Согласованное определение. Мослашган аниқловчи.

Предметнинг белгисини англатиб,аниқланмиш билан род,сон ва келишикда мослашадиган аниқловчи мослашган аниқловчи дейилади. Мослашган аниқловчи одатда аниқланмишдан олдин келиб, сифат, сифатдош, олмош ва тартиб сон орқали ифодаланади.

Мисоллар	Аниқловчини ифодаловчи сўз
----------	----------------------------

Моя родина велика и могуча Наша школа большая	Моя, наша-олмош
Зелёный оазис показался перед усталыми путниками Белый снег покрыл поля	Зелёный,белый-сифат Усталый-сифатдош
Первый солнечный день мы провели в саду.	Первый-тартиб сон Солнечный-сифат
Сидящий человек передал мне билет	Сидящий-сифатдош

Сифат орқали ифодаланган мослашган аниқловчини кўшма кесим таркибидаги сифатдан фарқ қилиш керак.

Сифат-аниқловчи	Сифат-кесим
Толстая книга лежит на столе	Эта книга толстая
Большой дом выстроили рабочие	Этот дом большой
Хорошая погода наступила.	Погода сегодня хорошая

**№ 156. Несогласованное определение.
Мослашмаган аниқловчи.**

Мослашмаган аниқловчи воситали келишиқлардаги от ёки олмош, ҳамда феълнинг ноаниқ формаси, равиш, равишдош ва турли сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Маслашмаган аниқловчининг ифодаланиши
Кабинет директора	Директора-олд кўмакчисиз родительный келишигидаги от
Мы построили шалаш из ветвей	Из ветвей-олд кўмакчили родительный келишигидаги от
Привычка к труду похвальна	К труду-олд кўмакчили дательный келишигидаги от
Чтение лёжа вредно	Лёжа- равишдош
Мы шли по траве, ещё мокрой от росы	Ещё мокрой от росы –сўз бирикмаси

**№ 157. Обстоятельство и их выражение.
Ҳол ва унинг ифодаланиши.**

Иш-ҳаракатнинг қандай бажарилганлигини ёки унинг бажарилишидаги турли ҳолатларни билдириб келган иккинчи даражали гап бўлақлари ҳол дейлади. Ҳол одатда феълга боғланиб келади. Ҳоллар ўзларининг билдирган маъноларига кўра турличадир.

№ 158. Обстоятельство места. Ўрин холи.

Иш-ҳаракатнинг ўрнини англатувчи ҳол ўрин ҳоли дейилади. Ўрин ҳоли где? куда? откуда? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлиб, равиш, олд кўмакчи билан келган от, сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Ўрин ҳолининг ифодаланиши
Направо была высокая скала налево-пропасть	Направо, налево-равиш
У окна стоит стол.Внутри дома были люди.Он проехал мимо школы. Из-за горы вышло солнце. Мы доехали до города.	У окна, внутри дома,мимо школы,из-за горы, до города- олд кўмакчи билан келган родительный келишигидаги от
Карандаш лежал под книгой Над городом пролетел самолёт. Дорога идет горами и лесом.	Под книгой,над городом, горами, лесом-олд кўмакчи билан ва олд кўмакчисиз келган творительный келишигидаги от
По дороге мы шли три часа. К реке подошли поздно.	По дороге, к реке – олд кўмакчи билан келган дательной келишигидаги от
Недалеко от озеро расположен военный лагерь	Недалеко от озеро – сўз бирикмаси

№ 159. Обстоятельство времени.

Пайт ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг пайтини англатиб, когда?, как долго?, за сколько времени?, на сколько времени?, с каких пор?, до каких пор?, к какому сроку? каби сўроқларга жавоб бўлиб келадиган ҳол пайт ҳоли дейилади.

Пайт ҳоли равиш, олд кўмакчили келишикларда келган от, равишдош, ҳамда сон билан от, сифат билан отдан иборат бўлган сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Пайт ҳолининг ифодаланиши
Вчера я приехал из Москвы. Сегодня приступаю к работе.	Вчера, сегодня-равиш
До вечера мы были в горах. Он не сомкнул глаз до утра. С самого раннего утра студенты отправились удить рыбу.	До вечера , до утра, с самого раннего утра-олд кўмакчи билан келган родительный келишигидаги отдан иборат сўз бирикмаси
В первой половине XIX века жили Пушкин и Лермонтов.	В первой половине XIX века, в том же году сўз бирикмалари.
Двадцать дней мы провели в доме отдыха.	Двадцать дней-сон билан родительный келишигидаги отдан иборат сўз бирикмаси
Со вчерашнего дня начались занятия	Со вчерашнего дня-родительный

в школе.	келишигидаги от билан сифатдан иборат сўз бирикмаси
Поднявшись с постели, он сделал зарядку.	Поднявшись-равишдош

№ 160. Обстоятельство образа действия. Равиш ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ёки қандай бўлишини билдириб, как? каким образом? в какой мере? насколько? сколько раз? как много? каби сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол равиш ҳоли деб аталади.

Равиш ҳоли одатда равиш, олд кўмакчили ёки олд кўмакчисиз келган воситали келишиқлардаги от, равишдош ҳамда сон билан отдан иборат бирикма орқали ифодаланади.

Мисоллар	Равиш ҳолининг ифодаланиши
Ранним утром протяжно прогудел гудок. Он был чрезвычайно доволен.	Протяжно, чрезвычайно-равиш
Он с усилием открыл глаза. Жил в одиночестве.	С усилием, в одиночестве-олд кўмакчи билан ва олд кўмакчисиз келган турли келишиқлардаги отлар
Я уже два раза был в театре.	Два раза-сон билан от бирикмаси.
Так и поехали втроём в дальнюю дорогу.	Втроём-равиш

№ 161. Обстоятельство причины. Сабаб ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг сабабини англатиб, почему? отчего? из-за чего? вследствие чего? по какой причине? каби сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол сабаб ҳоли дейилади.

Сабаб ҳоли асосан феълга боғланиб келади. Лекин от, сифат ва равишдошга ҳам боғланиб келиши мумкин. Сабаб ҳоли равиш, из, от, из-за, с, вследствие, ввиду каби олд кўмакчилар билан келган родителъный келишигидаги от, равишдош ва сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Сабаб ҳолининг ифодаланиши
Старик заплакал от радости. Они поссорились из-за пустяка.	от радости, из-за пустяка – олд кўмакчи билан келган родителъный келишигидаги отлар орқали ифодаланиб, заплакал, поссорились феълларга боғланиб келади.
Почему вы не решили задачу?	почему-сўроқ равиши орқали ифодаланиб, не решили феълга боғланиб келади.
Так ты делаешь все это из любви к искусству?	из любви к искусству – сўз бирикмаси орқали ифодаланиб,

	делаешь феълига боғланиб келади.
Отстав от экспедиции по болезни, я догнал своих товарищей только через месяц.	по болезни-олд кўмакчи билан келган дательный келишигидаги от орқали ифодаланиб, отстав равишдошига боғланиб келади.

№ 162. Обстоятельство цели. Мақсад ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг мақсадини англадиб зачем?, для чего?, с какой целью?, ради чего? каби сўроқларга жавоб бўлиб келадиган ҳол мақсад ҳоли деб аталади.

Мақсад ҳоли, феъл, қисқа сифат, сифатдош, равишдошларга боғланиб келиб, феълнинг ноаниқ формаси ёки олд кўмакчили от орқали ифодаланади.

Мисоллар	Мақсад ҳолининг ифодаланиши
Приехал вас проведать.	проведать-феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланиб, приехал феълига боғланиб келади.
Перед отъездом, забежав проститься, Турсун не застал меня дома	проститься.-феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланиб, забежав равишдошига боғланиб келади.

№ 163. Обстоятельство условия. Шарт ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши шартини билдириб, в каком случае? при каком условии? деган сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол шарт ҳоли дейилади. Шарт ҳоли кесимга боғланиб келади.

Мисоллар	
В таком случае я завтра выезжаю в институт. В случае болезни пришлите своего брата.	в таком случае, в случае болезни-сўз бирикмалари орқали ифодаланиб, выезжаю, пришлите феълларига боғланиб келади.
При наличии свободного места он выдаст вам билет	При наличии свободного места –сўз бирикмаси орқали ифодаланиб, выдаст феълига боғланиб келади.

№ 164. Типы простого предложения. Полные и неполные предложения Содда гапнинг турлари. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.

Гаплар ўзларининг тузилиши жиҳатидан полные предложения-тўлик гаплар ва неполные предложения-тўликсиз гаплар бўлади.

Гап бўлакларининг бирортаси ҳам туширилмаган гап тўлик гап дейилади. Нутқ мазмундан осонгина аниқланадиган бирор бўлаги туширилган гап тўликсиз гап деб аталади.

Кто пришёл-брат или сестра? Брат. (иккинчи гапнинг кесими пришёл туширилган).

Мы получили русские и узбекские книги. Некоторые ученики получили только русские (иккинчи мисолда гапнинг тўлдирувчиси книги туширилган).

Тўликсиз гаплар кўпинча икки ёки бир неча кишининг ўзаро гаплашишида учратилади.

-Напишешь письмо? (гапнинг эгаси ты туширилган).

-Напишу (гапнинг эгаси я ҳамда тўлдирувчиси письмо туширилган).

-Когда? (гапнинг эгаси ты, кесими напишешь, ҳамда тўлдирувчиси письмо туширилган).

-Сейчас (гапнинг эгаси я, кесими напишу, ҳамда тўлдирувчиси письмо туширилган).

№ 165. Назывные предложения. Атов гаплар.

Тўликсиз гаплардан атов гапларни фарқ қилиш керак. Бирор предмет ёки ходисани эслатиб, аташ йўли билан айтилган гаплар атов гап дейилади. Атов гапларда одатда кесим туширилган, масалан: Ночь. Ярко светит луна. Биринчи гапнинг кесими йўқ, бунда туширилган кесим нутқ мазмундан ҳам аниқланмайди.

Китоб, газета, журнал номлари ва хоказо номлар атов гаплар саналади, масалан: Пушкин. «Евгений Онегин». Айбек «Навои»

№ 166. Личные и безличные предложения. Шахсли ва шахссиз гаплар.

Эгаси мавжуд бўлган ёки эгасини аниқлаб бўладиган гаплар шахсли гап, эгасини аниқлаб бўлмайдиган гап бўлса, шахссиз гап дейилади, масалан: Темнеет. В домах зажгли свет. Светает. Трамвай уже пошли. Темнеет, светает гапларида иш-ҳаракатнинг ким ёки нимага боғлиқ эканлиги номаълум.

Шахссиз гапларнинг кесими қуйидагича ифодаланади:

Мисоллар	Шахссиз гаплар кесимининг ифодаланиши
Мне второй день нездоровится. Вечереет. Морозит. Заметно похолодало	Нездоровится, вечереет, морозит, похолодало- шахссиз феъллар.

Сегодня хорошо работается. Мне не спится. Хочется воды.	Работается, не спится, хочется – шахсли феъллар шахссиз формада ишлатилган.
Сегодня холодно. Здесь тихо. Было холодно и сыро	Холодно, тихо, холодно и сыро- о билан тамомланувчи равишлар орқали ифодаланган.
Не дворе метёт	Метёт-учинчи шахс феъли.

№ 167. Обобщённо – личные предложения.

Шахси умумлашган гаплар.

Маълум бир шахсга қаратилмай, мазмунан ҳар учала шахсга таалуқли бўлган фикрни билдирадиган гап шахси умумлашган гап дейилади. Бундай гапларнинг кесими одатда hozirги ва келаси замон феълнинг иккинчи шахси орқали ифодаланади, масалан: Что посеешь, то и пожнёшь (мақол) Семь раз отмерь, один раз отрежь. Из песни слова не выкинешь (мақол).

Шахси умумлашган гаплар халқ ижодида кўп учрайди.

№ 168. Неопределенно-личные предложения.

Шахси ноаниқ бўлақлар.

Форма жиҳатидан кўпликнинг учинчи шахсига таалуқли бўлса ҳам, мазмунан аниқ бир шахсни кўрсатмайдиган гаплар шахси ноаниқ гаплар дейилади, масалан: Так не делают. В коридоре разговаривают и шумят. В лес дров не возят.

№ 169. Однородные члены предложения.

Гапнинг уюшиқ бўлақлари.

Бир гапда бир неча эга бир кесим ёки бир эга ва бир неча кесим бўлиши мумкин. Гапда бўлган бир неча эга, кесим ва бошқа бир хилдаги иккинчи даражали бўлақлар гапнинг уюшиқ бўлақлари дейилади. Гапнинг уюшиқ бўлақли гаплари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, гапнинг бир бўлагига боғланиб келади.

Мисоллар	Гапнинг уюшиқ бўлақлари
Инженеры, штукатуры, укладчики, шофёры пришли на стройку	Инженеры, штукатуры, укладчики, шофёры-бир неча уюшиқ эга
Я утром встал, умылся, оделся, напился чаю и вышел из дома	встал, умылся, оделся, напился, вышел – бир неча уюшиқ кесим
Пулат пошёл в магазин и купил книги, тетради, карандаши.	книги, тетради, карандаши-бир неча уюшиқ тўлдирувчи
Летом на клумбе цвело много красных, синих и жёлтых цветов.	красных, синих и жёлтых цветов-бир неча уюшиқ аниқловчи
Мне пишут из Москвы, Баку, Волгограда, Санкт-Петербурга	из Москвы, Баку, Волгограда, Санкт-Петербурга- бир неча уюшиқ ўрин холи
Он писал правильно, аккуратно,	правильно, аккуратно, красиво- бир

красиво	неча уюшиқ равиш ҳоли
---------	-----------------------

Гапнинг уюшиқ бўлаклари ўзаро турли боғловчилар ёрдами билан боғланиши мумкин.

**№ 170. Союзы при однородных членах предложениях.
Уюшиқ бўлақларда ишлатиладиган боғловчилар.**

Уюшиқ бўлақлар ўзаро уч турли боғловчи ёрдами билан боғланади:

- 1) соединительные союзы-бириктирувчи боғловчилар, масалан: и, да (и маъносида) ни-ни, как... так и, не только... но (и) не столько... сколько;
- 2) противительные союзы-зидловчи боғловчилар, масалан: а, но, да (но маъносида), однако, хотя только, зато;
- 3) разделительные союзы – айирувчи боғловчилар, масалан: или, либо, то-то, не то-не то.

Мисоллар	Уюшиқ бўлақларни боғлайдиган боғловчилар
Я купил книгу, тетради и карандаши. Он не боится ни холода, (и) ни жары. Прилетели перепела да бекасы. Как студенты, так и преподаватели дружно собирали хлопок. Машины нужны не только в городе, но и в деревне.	-и,-ни – ни, да как...- так и, не только... но и каби бириктирувчи боғловчилар
Он не расслышал, но кивнул головой утвердительно. Хорошо всё делает, да медленно. Конь не скачет, а летит. Я писал, внимательно, однако сделал две ошибки.	Но, да, а, однако каби зидловчи боғловчилар
Медленно или быстро. Он сейчас в Намангане или в Андижане. Долго ль мне гулять на свете то в коляске, то верхом, то в кибитке, то в карете, то в телеге, то пешком?	Или, то-то каби айирувчи боғловчилар.

**№ 171. Обобщающие слова в предложениях с однородными членами.
Уюшиқ бўлақларда ишлатиладиган умумлаштирувчи сўзлар.**

Уюшиб келган предмет, белги, иш-ҳаракатни бирлаштириб, гапнинг уюшиқ бўлақларидан олдин ёки кейин келадиган сўз умумлаштирувчи сўз дейилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан олдин келса, уюшиқ бўлақлардан илгари иккита нуқта қўйилади, масалан: Дети веселились: играли, танцевали, пели песни. На сбор хлопка выехали все: рабочие, служащие, студенты, учащиеся.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса, ундан олдин тире қўйилади, масалан: Рабочие, служащие, студенты, учащиеся – все выехали на сбор хлопка.

Умумлаштиручи сўз билан уюшиқ бўлақлар орасида например, а именно, как-то каби сўзлар келса, шу сўзлардан олдин вергул, сўнг икки нуқта қўйилади, масалан: Ферма приобрела разные машины, а именно: тракторы, сеялки, косилки.

Протоколларда ва, умуман, расмий қоғозларда умумлаштирувчи сўз бўлмаса ҳам, уюшиқ бўлақлардан олдин икки нуқта қўйилиши мумкин, масалан: На заседании присутствовали: Иванов (председатель), Петров, Каримов, Гулямов и Сидиров (секретарь).

№ 172. Слова, грамматически не связанные с членами предложения. Гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар.

Гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташқари, гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай сўзлар гап составида бўлса ҳам, лекин гап бўлаги бўла олмайди. Булар:

1) обращение- ундалма, 2) вводные слова – кириш сўзлар, 3) междометия- ундовлар, 4) слова да и нет – да ва нет сўзлари

№ 173. Обращение. Ундалма.

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирган сўз ундалма дейилади. Ундалма гап бошида келса, ёзувда ундалмадан кейин вергул ёки ундов белгиси қўйилади, масалан: Сабир, ты когда вернёшься домой? Товарищи! Слово для приветствия делегатов предоставляется Каримову.

Хат ва табрикномаларда ундалма одатда хат бошида келиб, ундалмадан кейин ундов белгиси қўйилади, масалан: Дорогой Никита Сергеевич!

Ундалма гапнинг ўртасида келса, унинг икки томонига вергул қўйилади, масалан: Припомните, товарищ Камалов, наш последний разговор.

Ундалма гапнинг охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади, масалан: Приезжайте к нам, товарищ Камалов.

Ундалма одатда именительный келишигидаги от ёки отлашган сифат орқали ифодаланади. Ундалма сўз бирикмаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин, масалан: Миру мир!

№ 174. Вводные слова и группы слов. Кириш сўз ва кириш иборалар.

Сўзловчининг ўзи баён этган фикрга қарашини билдирган сўзлар кириш сўз дейилади. Кириш сўзлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин. Кириш сўз гап бошида келса, кириш сўздан кейин, гапнинг охирида келса, кириш сўздан олдин, гап ўртасида келса, икки томонга вергул қўйилади, масалан: Словом, все будет хорошо. Сегодня, кажется, прохладно. К вечеру, пожалуй, и дождь пойдёт. Он, вероятно, приедет только завтра.

Кириш сўзлари бирор сўз бирикмаси ёки гапдан иборат бўлса, икки томонига вергул ёки тире қўйилиши, ёки қавс ичига олиниши мумкин, масалан: Исключения, вы знаете, подтверждают правила. Однажды вечером (это было в начале октября 1773 года) сидел, я один, слушая вой осеннего ветра. Без него-я

так думаю- мы не сможем выехать сегодня. Кириш сўзлар турли маъноларни англатиб келади.

Кириш сўзларнинг маънолари	Энг кўп ишлатиладиган кириш сўзлар
1. Ачиниш, таажжуб, шодлик маъносини билдиради.	К сожалению, к счастью, к несчастью, к (моему) стыду, к моему удовольствию каби.
2. Ишонч ва тасдиқни билдиради	Несомненно, безусловно, наверно, конечно, очевидно, бесспорно, понятно, действительно, разумеется, подлинно, без сомнения, в самом деле каби.
3. Гумон, тахмин ёки умидни билдиради.	Вероятно, по всей вероятности, может быть, быть может, кажется, казалось, видимо, по-видимому, видно, как видно, должно быть, пожалуй, верно каби.
4. Баён этилган бирор фикрнинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини билдиради.	По моему, по вашему, на мой взгляд, по мысли, по мнению..., по сведениям, по слухам, говорят, передают, дескать, мол каби.
5. Айтилган фикрнинг олдинги фикр билан боғлиқ эканлигини англатади.	Следовательно, итак, значит, словом, стало быть, одним словом, таким образом, впрочем, наоборот, напротив, например каби
6. айтилган фикрларнинг тартибини кўрсатади.	Во-первых, во вторых, в третьих, наконец, в конце концов каби

Санаб ўтилган кириш сўзлардан, охангдош бўлган ва гапнинг бўлаклари билан боғланиб, бош ва иккинчи даражали гап бўлаклари сифатида келадиган сўзларни фарқ қилиш керак.

Кириш сўзлар	Охангдош сўзлар
Вы говорят, недавно из Москвы?	Что говорят о поездке в Москву?
Одним словом, на этот раз я ошибся	Эту мысль нельзя выразить одним словом
Наоборот, ваша статья мне очень понравилась. Ты, значит, не написал Петрову.	Что значит твоё молчание?
Признаюсь, он меня очень смутил.	Я признался во всём
Яблоко, правда, красивое, но безвкусное	Правда в огне не горит и в воде не тонет (мақол).

№ 175. Да и нет в начале предложения.

Гап бошида келган да ва нет сўзлари.

Тасдиқ ва инкор маъносида келадиган да ва нет сўзлари гап бошида келиб, бошқа гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Ёзувда да ва нет сўзларидан кейин вергул ёки ундов белгиси қўйилади, масалан: Нет, собрания сегодня не будет. Да, завтра я уезжаю в командировку. Да! Он всё знает. Нет! этому не бывать!

Да ва нет сўзлари маълум бир фикрни маъқуллаб ёки инкор этиб, гап ўрнида ҳам келиши мумкин. Бунда да ва нет сўзларидан кейин нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси қўйилади, масалан:

-Ты читал этот рассказ? – Да.

-А брат твой? – Нет.

-Да! Это моё право.

Да ва нет сўзлари билан бирга келадиган о юкламаси вергул билан ажратилмайди, масалан:

О да, я обязательно приду. О нет, постараюсь не забыть.

№ 176. Сложное предложение. Қўшма гап.

Икки ёки бир неча содда гапдан тузилган гап қўшма гап дейилади. Қўшма гаплар ичидаги содда гапларнинг ўзаро боғланишига кўра икки турли бўлади.

1) Сложносочиненные предложения-боғланган қўшма гаплар ва 2) сложноподчиненные предложения – эргаш қўшма гаплар.

№ 177. Сложносочиненное предложения.

Боғланган қўшма гап.

Тенг ҳуқуқли, мустақил содда гаплардан тузилган қўшма гап боғланган қўшма гап дейилади. Боғланган қўшма гаплар бир пайтдаги ёки кетма-кет бўлаётган, ҳамда қарама-қарши қўйилган воқеаларни англатиб, одатда ўзаро боғловчилар орқали ва гап оҳанги воситаси билан боғланиб келади.

№ 177. Сложносочиненное предложение с союзами.

Боғловчили боғланган қўшма гап.

Боғланган қўшма гаплардаги айрим содда гаплар ўзаро тенг боғловчилар билан боғланиб келади. Тенг боғловчилар турлича бўлади.

1) Бириктирувчи боғловчилар: и, да (и маъносида), ни-ни, тоже, также. Бириктирувчи боғловчилар-соединительные союзы-воқеа ходиса-ларнинг бир пайтда ёки кетма-кет бўлганлигини англатиш учун ишлатилади, масалан: В течение двух часов вела огонь наша артиллерия, и после этого танки пошли в наступление. Погода была прекрасная, и никто не хотел идти домой. Дверь открылась, и на пороге показался не знакомый мне человек. Люди сильно проголодались, лошади тоже нуждались в отдыхе.

- 2) а, но, да (и маъносида), однако, же, между тем каби зидловчи боғловчилар-противительные союзы-боғланган кўшма гапдаги айрим гапларнинг мазмунан бир-бирига зид эканлигини ифодалаш учун ишлатилади, масалан: Солнце уже взошло, но было ещё холодно. Труд кормит, а лень портит. Мать шьёт, а дочь читает ей книгу. Мы очень устали, зато пришли первыми.
- 3) или, либо...либо, то-то каби айирувчи боғловчилар – разделительные союзы-бирор воқеани бошқасидан айириш ёки воқеаларнинг галма-гал бўлаётганлигини англатиш учун ишлатилади, масалан: То громко залает собака, то послышится чей-то далекий голос. Не то дым шёл от костра, не то туман поднимался над болотом. Боғловчили боғланган кўшма гапларни гапнинг уюшиқ бўлакларидан фарқ қилиш керак.

Гапнинг уюшиқ бўлаклари	Боғловчили боғланган кўшма гаплар
Собаки не могли примириться с моим присутствием и долго ещё рычали.	Собаки не могли примириться с моим присутствием, и долго ещё раздавалось их рычание.
Здесь нет ни деревьев, ни травы	Ни деревья здесь не растут, ни трава не зеленеет

№ 178. Сложноподчиненное предложение. Эргашган кўшма гап.

Бош ва эргаш гапдан тузилган кўшма гап эргашган кўшма гап дейилади. Эргашган кўшма гаплар ичидаги содда гаплар ўзаро эргаштирувчи боғловчи (подчинительные союзы) ва боғловчи сўзлар (союзные слова), сифатида кто, что, который, чей каби нисбий олмошлар ва где, куда, откуда каби равишлар ишлатилади. Улар эргаш гапни бош гапга боғлаб, эргаш гап таркибидаги гап бўлакларидан бири саналади, масалан: Серёжа один стоял у окна, из которого пахло бензином.

Булардан ташқари эргаштирувчи боғловчилар ҳам бор: что, чтобы, если, хотя, потому что ва хоказо. Мисоллар: 1) Я сегодня поеду в аэропорт, чтобы встретить своего товарища 2) мы должны с тобой встретиться, что бы ни случилось.

Биринчи мисолдаги чтобы сўзи боғловчи, иккинчи мисолдаги что бы эса боғловчи сўз бўлиб, эргаш гапнинг эгаси сифатида қўлланган.

Эргашган кўшма гап главное предложение-бош гап ва придаточное предложение-эргаш гапдан ҳосил бўлади. Эргашган кўшма гап таркибидаги ўзига мустақил, бошқа гапга эргашмаган гап бош гап-главное предложение дейилади.

Эргаш гап бош гапдан олдин, кейин ёки бош гапнинг ўртасида келади, масалан:

Я получил письмо, которое ты отправил из Самарканда. Бу мисолда эргаш гап бош гапдан сўнг келиб, бош гапга которое боғловчи сўз ёрдами билан

боғланган. Мы переправились через реку вброд, так как моста в этом месте не было. Бош гап так как боғловчиси билан боғланган.

№ 179. Виды придаточных предложений. Эргаш гапларнинг турлари.

Эргаш гаплар ўзларининг мазмунларига ва бош гапга бўлган муносабатларига кўра турлича бўлади:

- 1) определительное придаточное предложение-аниқловчи эргаш гап;
- 2) дополнительное придаточное предложение-тўлдирувчи эргаш гап;
- 3) придаточное подлежащее-эга эргаш гап;
- 4) придаточное сказуемое-кесим эргаш гап;
- 5) обстоятельственные придаточные предложения-ҳол эргаш гаплар;
 - а) придаточное предложение образа действия-равиш эргаш гап;
 - б) придаточное предложение времени-пайт эргаш гап;
 - в) придаточное предложение места-ўрин эргаш гап;
 - г) придаточное предложение причины-сабаб эргаш гап;
 - д) придаточное предложение цели- мақсад эргаш гап;
 - е) придаточное предложение условное- шарт эргаш гап;
 - ж) придаточное предложение следствия-натижа эргаш гап;
 - з) придаточное предложение устипительное-тўсиқсиз эргаш гап.

№ 180. Определительные придаточные предложения. Аниқловчи эргаш гаплар.

Бош гапдаги бирор отни аниқлаб, какой? какая? какое? какие? сингари сўроқларга жавоб бўлиб келган эргаш гап аниқловчи эргаш гап дейилади. Аниқловчи эргаш гаплар бош гапга который, какой, чей нисбий олмошлари, где, куда, откуда, когда каби равишлар ва что, будто, чтобы, будто бы каби боғловчилар воситаси билан боғланиб келади. Бош гап таркибида эса тот, такой олмошлари бўлиши мумкин. Мисоллар: Я могу дать любую книгу, которая вам больше всего понравится. Деревня, куда мы приехали, расположена на берегу озера.

№ 181. Замена определительного придаточного предложения причастным оборотом.

Аниқловчи эргаш гапнинг ўрнига сифатдошли оборотнинг ишлатилиши.

Аниқловчи эргаш гап ва сифатдошли оборот ўз маънолари билан бир-бирига яқин бўлгани учун баъзи бир аниқловчи эргаш гаплар ўрнида сифатдошли оборотлар ишлатилиши мумкин.

Таркибида аниқловчи эргаш гап бўлган қўшма гап	Таркибида сифатдошли оборот бўлган содда гап.
------------------------------------------------	-----------------------------------------------

<p>Я получил письмо, которое вы отправили с дороги.</p> <p>В комнате была одна лампочка, которая горела довольно ярко.</p> <p>Охотники расположились на поляне, которую окружал высокий камыш.</p>	<p>Я получил письмо, отправленное вами с дороги.</p> <p>В комнате была одна лампочка, горевшая довольно ярко.</p> <p>Охотники расположились на поляне, окруженной высоким камышом.</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Который, которая, которое; какой, какая, какое; кто, что каби боғловчи сўзлар именительный ёки олд кўмакчисиз келган винительный келишикларида келса, эргаш гапнинг кесими эса аниқлик майлидаги ҳозирги ва келаси замонда келса, аниқловчи эргаш гап ўрнида сифатдошли оборотни ишлатиш мумкин.

**№ 182. Дополнительные придаточные предложения.
Тўлдирувчи эргаш гаплар.**

Бош гапнинг феълларини тўлдириб, воситали келишикларнинг сўроқларига жавоб бўлиб келган эргаш гаплар тўлдирувчи эргаш гаплар дейилади.

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга что, чтобы, будто каби боғловчилар которий, какой, чей, кто, что каби нисбий олмошлар ва бошқа ҳамма боғловчи сўзлар воситаси билан боғланади. Бош гап таркибида тўлдирувчи вазифасида кўрсатиш олмоши бўлиши мумкин. Эргаш гап шу олмош билан бевосита боғланади.

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдан кейин келади ва баъзида бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Мисоллар: Он знает, что нужно послать членам экспедиции. Газеты сообщили, что делегация находится на пути в Москву. Он объявил им, что ноги его не будет никогда в их доме, и просил забыть о несчастном.

**№ 183. Придаточные предложения подлежащее.
Эга эргаш гаплар.**

Бош гапдаги олмош-эгани изоҳлаб, ёки бош гапга эга бўлиб кела оладиган эргаш гап эга эргаш гап дейилади. Эргаш гап именительный келишигининг сўроқларига жавоб бўлиб келиб, бош гапга кўпинча кто, что, нисбий олмошлари, ҳамда чтобы (чтоб), будто, как будто, какой, которий, чей, чья, сколько, где, отчего, почему, зачем, когда, откуда, куда каби боғловчи сўзлар билан боғланади. Эга эргаш гаплар бош гапдан олдин, кейин ва бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Масалан: кто не работает, тот не ест. Кто много жил, тот много видел. Пришёл, кого мы ждали. Кто он такой, неизвестно. Что с воза упало, то пропало. Недаром говорится, что дело мастера боится.

**№ 184. Придаточные предложения сказуемые.
Кесим эргаш гап.**

Бош гапдаги олмош орқали ифода этилган кесимни изоҳлаб келадиган эргаш гап кесим эргаш гап дейилади.

Кесим эргаш гап кто такой?, что такое?, каков?, какова?, какой?, какая?, какое?, кем является? сингари сўроқларга жавоб бўлиб, бош гапга, чтобы, что боғловчилари ва кто, что, каков, какой, который, чей олмошлари воситаси билан боғланиб келади. Кесим эргаш гап бош гапдан сўнг ёки олдин келиши мумкин, мисоллар: Каков привет, таков и ответ. Человек таков, что на него можно вполне положиться.

№ 185. Придаточные предложения образа действия. Равиш эргаш гаплар.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қай тарзда бўлаётганлигини билдириб, как?, каким образом?, в какой степени?, в какой мере?, насколько? каби сўроқларга жавоб бўлиб келган гаплар равиш эргаш гап (придаточные предложения образа действия) дейилади. Равиш эргаш гап бош гапга как боғловчи сўз ва будто, как будто, словно, точно так, подобно тому как, чем, что, чтобы боғловчилари воситаси билан боғланади. Бош гап таркибида так, таким образом, подобно тому, настолько, столько раз, до такой степени сингари сўзлар бўлиши мумкин.

Равиш эргаш гап ўхшатиш, даража ёки миқдор маъноларини англатиб келиши мумкин. Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қай ҳолда бажарилишини ўхшатиш йўли билан англатадиган эргаш гаплар ўхшатиш эргаш гаплар (придаточные сравнительные) дейилади. В какой степени? в какой мере? насколько? каби сўроқларга жавоб бўлиб келадиган равиш эргаш гап даража эргаш гап (придаточные предложения степени) дейилади.

Равиш эргаш гап бош гапдан олдин, сўнг ёки бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Мисоллар: Ты так пиши, чтобы можно было без труда прочесть написанное. Я поступил так, как мне посоветовали. Он так смотрел на меня, как будто впервые видел.

№ 186. Придаточные предложения времени. Пайт эргаш гаплар.

Бош гапда баён этилган иш-ҳаракатнинг қай вақтда бўлаётганлигини англатиб, когда?, с каких пор?, до каких пор?, как долго? в какое время? на сколько времени? сингари сўроқларга жавоб бўлиб келадиган эргаш гаплар пайт эргаш гап дейилади. Пайт эргаш гап бош гапга когда, пока, только лишь, лишь только, только что, как только, едва, с тех пор как, до тех пор пока, после того как, между тем как, перед тем как, в то время как, всякий раз как, прежде чем, по мере того как каби боғловчилар ёрдами билан боғланади. Пайт эргаш гап бош гапдан олдин, сўнг ҳамда бош гапнинг ўртасида келиши мумкин.

Мисоллар: Когда мы спускались по тропинке, солнце уже зашло. Я начал изучать русский язык, когда мне было одиннадцать лет. Лишь только раздался звонок, ученики вышли из классов.

№ 187. Придаточные предложения места.

Ўрин эргаш гаплар.

Бош гаптаги иш-ҳаракатнинг ўрнини билдириб, где? куда? откуда? сўроқларига жавоб бўлиб келган эргаш гаплар ўрин эргаш гаплар дейилади. Ўрин эргаш гап бош гапта где , куда, откуда боғловчи сўзлари ёрдами билан боғланади. Бош гап таркибида там, туда, оттуда, везде, всюду, кое-где равишлари келиши мумкин. Ўрин эргаш гап бош гапдан олдин, сўнг ва бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Мисоллар: Там хорошо, где нас нет. Там, где расходятся дороги, стоит небольшой дом. Смелый там найдёт, где робкий потеряет.

№ 188. Придаточные предложения причины.

Сабаб эргаш гаплар.

Бош гаптаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдириб, изоҳлаб почему?, отчего?, по какой причине? вследствие чего? саволларига жавоб бўлиб келган эргаш гаплар сабаб эргаш гап дейилади. Сабаб эргаш гап бош гапта потому что, оттого что, вследствие того что, в силу того что, ибо, так как, что, как-то каби боғловчилар ёрдами билан боғланади.

Так как боғловчиси билан бошланадиган сабаб эргаш гаплар бош гапдан олдин ва сўнг, потому что, оттого что, ибо боғловчилари билан ишлатиладиган сабаб эргаш гаплар одатда бош гапдан сўнг келади. Мисоллар: Так как он занят, он не смог приехать к вам. Я не смог приехать, так как был занят. Виноград кислый, потому что он ещё не поспел.

№ 189. Придаточные предложения цели.

Мақсад эргаш гаплар.

Бирор гаптаги иш-ҳаракатнинг мақсадини билдириб, зачем?, для чего?, с какой целью? сўроқларига жавоб бўлиб келган эргаш гаплар мақсад эргаш гаплар дейилади. Мақсад эргаш гап бош гапта чтобы (чтоб), для того чтобы, с тем чтобы каби боғловчилар ёрдами билан боғланади. Бош гап таркибида для того, затем, с тем сўзлари келиши мумкин.

Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин ва сўнг келиши мумкин. Мисоллар: Чтобы не опоздать в школу, мы прибавили шагу. Я пойду в библиотеку, чтобы взять нужные мне книги. Я пригласил вас (с тем), чтобы сообщить приятную новость.

№ 190. Придаточные предложения условные.

Шарт эргаш гаплар.

Бош гаптаги иш-ҳаракатнинг шартини билдириб, в каком случае? При каком условии? сўроқларига жавоб бўлиб келган эргаш гаплар шарт эргаш гаплар дейилади. Шарт эргаш гап бош гапта если, когда, если бы, когда бы каби боғловчилар воситаси билан боғланади. Шарт эргаш гап бош гапдан олдин, сўнг ва бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Шарт эргаш гап бош гапдан олдин келса, бош гап то, так юкламалари билан бошланади. Мисоллар: Если завтра не

будет дождя, то мы пойдем на рыбалку. Если бы водились в тех местах рыба, были бы и рыбаки.

**№ 191. Придаточные предложения следствия.
Натижа эргаш гаплар.**

Бош гапдаги иш-харакатнинг натижасини англатиб, изоҳлаб келадиган эргаш гаплар натижа эргаш гап дейилади. Натижа эргаш гап бош гапга так что боғловчиси воситаси билан боғланади.

Натижа эргаш гаплар ҳамма вақт бош гапдан сўнг келади. Мисоллар: Минут через десять стало темно, так что не было видно ни звёзд, ни месяца. Мы сидели на самой вершине горы, так что озеро было у нас как на ладони. Баъзан так что боғловчисини ажратганда, натижа эргаш гап равиш эргаш гапга айланади.

Натижа эргаш гап	Равиш эргаш гап
К вечеру я устал, так что с трудом добрался до постели.	К вечеру я устал так, что с трудом добрался до постели.
Мы сидели на самой вершине, так что нам была видна вся окрестность	Мы сидели на самой вершине, так, что нам была видна вся окрестность

**№ 192. Придаточные предложения уступительные.
Тўсиқсиз эргаш гаплар.**

Бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, унга тўсиқ бўла олмайдиган фикрни англатувчи эргаш гап тўсиқсиз эргаш гап дейилади. Тўсиқсиз эргаш гап несмотря на то что? сўроғига жавоб бўлиб, бош гапга хотя (хоть), пусть (пускай); несмотря на то, что; как ни, что бы ни боғловчилари ёрдами билан боғланади.

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин, сўнг ва бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин келса, бош гап одатда а, но, да (но маъносида), однако всё же каби зидловчи боғловчилар билан бошланиши мумкин. Мисоллар: Мы получили удовольствие от прогулки, хотя погода была не очень хорошая. Как ни старались они добраться до вершины горы, им сделать это не удалось. О чем бы вы с ним заговорили, всё он знает. Что ни говори, а я прав.

**№ 193. Замена обстоятельственных придаточных предложении
деепричастным оборотом.**

Ҳол эргаш гаплар ўрнига равишдошли оборотларнинг ишлатилиши.

От ёки олмош билан ифодаланган бош гапнинг эгаси эргаш гапда ўзи қайтарилса, пайт, сабаб, шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар ўрнига равишдошли оборотларни ишлатиш мумкин.

Эргашган кўшма гап	Таркибида равишдошли оборотлар бўлган содда гап
Когда Турсун окончил школу, он поступил в педагогический институт. Хотя он и выполнил задание, но из класса не вышел. Так как я окончил педагогический институт, я работаю преподавателем русского языка Если дал слово, то обязательно сдержи его	Окончив школу, Турсун поступил в педагогический институт Выполнив задание, он из класса не вышел Окончив педагогический институт, я работаю теперь преподавателем русского языка Давши слово, обязательно сдержи его.

**№ 194. Бессоюзные сложные предложения.
Боғловчисиз кўшма гаплар.**

Кўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчисиз, сўзлашув нуткида интонация, ёзувда эса тиниш белгилари (вергул, икки нуқта, тире) орқали боғланиши мумкин. Боғловчисиз кўшма гаплар турли маъноларни билдириб келади.

Боғловчисиз кўшма гаплар	Боғловчилар иштироки билан тузилган кўшма гаплар
Конь бежит-земля дрожит	Когда конь бежит, земля дрожит
Лес рубят-щепки летят	Когда лес рубят щепки летят
Не плюй в колодезь, пригодится воды напиться	Не плюй в колодезь, потому что пригодится воды напиться
Казалось стены зала задрожали от аплодисментов	Казалось, что стены зала задрожали от аплодисментов
Получил путевку: еду в дом отдыха	Получил путевку, поэтому еду в дом отдыха.

**№ 195. Прямая и косвенная речь.
Кўчирма ва ўзлаштирма гап.**

Ўзгаларнинг нутки ўзгаришсиз, айнан берилса, буни кўчирма гап- прямая речь дейилади. Ўзгаларнинг нутки ўзгартириб берилса, буни ўзлаштирма гап- косвенная речь дейилади.

Кўчирма гап	Ўзлаштирма гап
-------------	----------------

Турсун сказал мне, «После окончания школы я хочу поступить на завод»	Турсун сказал мне, что после окончания школы он хочет поступить на завод
Куда ведет эта дорога, товарищ?-спросил я	Я спросил товарища, куда ведет эта дорога.
Он почему-то нерешительно спросил «Можно и мне пойти на эту выставку»	Он почему-то нерешительно спросил, можно ли ему пойти на эту выставку.